Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 7 (136) • 2008 йил 15 февраль

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ



# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу вазифанинг амалдаги ифодасини истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинаётганида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Эсимизда, шўро даврида дўконга кирган харидор сотувчининг қош-қовоғига қараб муомала қиларди, сифатсиз ёки маъқул келмаган маҳсулотни қайтариб олиб бориб беришни тасаввур ҳам қилолмасди. Сабаби – маҳсулот танқис, одамлар товарни топганига шукр қилиб яшарди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин вазият тубдан ўзгарди. Бугун бозору дўконларимизда товар бисёр, танлаш имконияти кенг. Дўкондорлар мижозни маҳсулот сифати ва кафолатига оид барча маълумотлар билан батафсил таништиради. Кафолат муддати амалда бўлган пайтда қусури чиққан товарни бемалол сифатлисига алмаштириш ёки бутунлай қайтариб бериш мумкин. Истеъмолчилар бу борадаги ҳуқуқларидан амалда самарали фойдаланмоқдалар.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга дахлдор давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти ҳам тобора такомиллашиб, барча соҳа ва тармоқларни кенг қамраб олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида нафақат савдо, коммунал соҳа, балки соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа, фармацевтика ва стандартлаштириш билан боғлиқ кўплаб тармоқларда ҳам истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатилишига оид мониторинглар мунтазам ўтказилаётгани, шунингдек, реклама бозори назорати йўлга қўйилгани бу фикрнинг исботидир.

– Истеъмолчи ҳуқуқий ҳимояси тўла таъминланишида фуқароларнинг бу борадаги қонунлардан яхши хабардор бўлиши муҳим аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Олим Назаров ЎзА мухбирига. – Шу боис истеъмолчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилдан чиқа бошлаган «Истеъмолчи» газетаси бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Барча вилоятларда истеъмолчиларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий маслаҳат марказлари фаолият юритмоқда.

2007 йили ўтказилган транспорт тизимига оид мониторинглар давомида аҳолига хизмат кўрсатаётган саккиз юзга яқин субъект фаолияти ўрганилди. 337 йўналиш бўйича қатнайдиган етти мингдан ортиқ транспорт воситаси ҳисобга олинди. Таҳлиллардан маълум бўлишича, уч мингга яқин ҳолатда ҳаракатга оид белгиланган жадвалга риоя қилинмаган. 781 ҳолатда ҳайдовчи тиббий кўрикдан ўтмасдан транспорт воситасини бошқарган. Етти юзга яқин ҳолатда транспорт воситаси техник кўрикдан ўтказилмасдан йўловчиларга хизмат кўрсатган. Айрим транспорт воситаларида йўналишга оид маълумотлар кўринмаса, аксарият ҳолларда йўловчиларга чипта берилмаган.

Аҳолининг дори-дармонга бўлган талабини қондириш борасида олиб борилган ислоҳотлар ўзининг самараларини бермоқда. Хусусий дорихоналар тармоғи анча кенгайди. Истеъмолчининг танлаш имконияти кескин ошди. Аммо мазкур тизимда фаолият юритаётган субъектларнинг барчаси ҳам инсоф ва қонун доирасида хизмат кўрсатаётир, деб бўлмайди.

Ўрганишлар давомида кўплаб дорихоналарда қалбаки, сифатсиз, давлат рўйхатидан ўтмаган, мамлакатимиз ҳудудида тарқатиш тақиқланган дори воситалари билан савдо қилинаётгани маълум бўлди. Бундай ҳолатлар юзасидан тўпланган материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилди. Натижада қонун бузилишига йўл қўйган фармацевтика соҳаси субъектларига тегишли тартибда жарима санкциялари қўлланилди. 16 дорихонага нисбатан иш қўзғатилди.

Реклама бозорида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишга оид олти юздан зиёд мониторинг ўтказилди. Уларнинг ярмидан кўпида қонун бузилиши ҳолатлари учради. Натижада 49 нафар мансабдор шахс тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қонунга мувофиқ, алкоголли, жумладан, пиво маҳсулотлари рекламаси таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ва спорт мажмуаларидан камида беш юз метр узоқликда жойлаштирилиши керак. Бунга доим ҳам риоя қилинмаётир. Бу каби камчиликларга йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тегишли тартибда иш қўзғатилди.

Мониторинг жараёнида савдо ва соғлиқни сақлаш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан беш юздан зиёд ҳолатда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилгани аниқланди. Етказилган 248,2 миллион сўм зарарни ундириш юзасидан тегишли идораларга тақдимнома киритилди. Бундан ташқари, 45 га яқин ҳужжат чора кўриш учун юборилди. Натижада ҳозиргача 21 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилди. Уч нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фаровонлигини янада юксалтиришни, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни кўзлаб амалга оширилаётган хайрли ишлардандир.

# ТАДБИРКОРЛАР КЎМАКЧИСИ

*Қарор ва ижро*

***Мамлакатимизда кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг шароит яратилгани юксак муваффақиятлар омили бўлмоқда. Ўтган йили ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 85 фоизга етгани, саноат маҳсулотларининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам юз фоизи, чакана савдо айланмаси эса тўлиқ ана шу сектор ҳиссасига тўғри келгани бунинг далилидир.***

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» маърузасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Тадбиркорларни эркин фаолият юрита оладиган хўжалик юритувчи субъект сифатида шакллантириш учун ташкил этилган бизнес-инкубаторлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ҳозир мамлакатимизда ўттиздан зиёд бизнес-инкубатор фаолият юритмоқда.

– Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг бизнесга доир ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бизнес-инкубаторлар фаолиятининг бош мақсадидир, – дейди Ўзбекистон бизнес-инкубаторлар ва технопарклар ассоциациясининг раҳбари Валижон Омонлиқов ЎзА мухбирига. – Тадбиркор фаолиятининг дастлабки босқичида ишни ривожлантириш учун бизнес-инкубация жараёни ташкил этилади. Икки йил давом этадиган бу жараён натижасида кичик корхоналар мустақил фаолият кўрсатувчи субъект сифатида шаклланади.

Ишбилармонларнинг тадбиркорлик, иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда бизнес юритиш кўникмасини шакллантиришда яқиндан ёрдам бераётирмиз. Кичик бизнес учун кадрларни қайта тайёрлашга қаратилган қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш, тадбиркорлик соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш ҳам асосий вазифаларимиздан.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фаолиятимизда муҳим омил бўлаётир. Бизнес-инкубаторларда маркетинг ва консалтинг, ахборот-маслаҳат хизмати каби қўшимча хизматлар ташкил этилди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли 2007 йилда юздан ортиқ кичик корхона бизнес-инкубация жараёнидан муваффақиятли ўтди. Қарийб ўттизта ишлаб чиқарувчи, қирққа яқин хизмат кўрсатувчи ҳамда қирқта фермер хўжалиги бозор иқтисодиётида эркин фаолият кўрсатиш даражасига етди. Нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Астро-сервис», керамик ғишт ишлаб чиқарувчи «Нозанин-ТНШ», гилам тўқишга ихтисослашган «Эргаш», мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Нур-Исломбек истиқболи», автотранспорт хизмати кўрсатувчи «Нукус такси», «Ишонч» адвокатлик фирмаси шулар жумласидандир.

Мазкур корхоналар томонидан 2007 йилда 535 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланди, сервис хизмати кўрсатилди. Шунингдек, қарийб мингта янги иш ўрни яратилди.

Бизнес-инкубаторларда консалтинг фаолияти йилдан-йилга яхшиланиб бораётир. 2006 йилда тадбиркорлик субъектларининг 1,15 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда кўмак берилган бўлса, 2007 йили бу кўрсаткич 4,25 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада кўплаб хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва иссиқхоналар ишга туширилди. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш мақсадида ўттизга яқин лойиҳа амалга оширилди. Ўндан зиёд қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспорт воситаси харид қилинди.

Самарқанд вилоятидаги «Ас-Анваржон» хусусий корхонасида ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш мақсадида 250 миллион сўм, Хатирчи туманидаги «Ассалом» паррандачилик хўжалиги учун 90 миллион сўм ажратилди. Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Довирбек Йигиталиев» фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш учун 35 миллион сўм берилди.

Ишбилармонларга инвестиция лойиҳалари тайёрлашда мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда. Бу соҳага хотин-қизларни жалб этиш доимий эътиборда. Ўтган йили Жиззах вилоятидаги бизнес–инкубатор томонидан қирқдан зиёд тадбиркор хотин-қиз билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг ўндан ортиғи «Меҳр нури» жамғармасининг тадбиркор аёллар учун «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир грантлар» танловида ғолиб чиқди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида маҳаллий дастурий воситаларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектлари учун ўзбек тилидаги компьютер дастури ишлаб чиқилиб, www.bir.uz ахборот порталига жойлаштирилди. У ягона солиқ тўловини тўловчи кичик корхоналар ва микрофирмаларда бухгалтерия ҳисобини юритишда қўл келади.

Ҳозир бизнес-инкубаторларда 4500 ишчи ўрнига эга қарийб беш юзта тадбиркорлик субъекти бизнес-инкубация жараёнидан ўтмоқда. Бундай тадбирлар келгусида сифатли маҳсулотлар ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

***ЎзА материаллари асосида тайёрланди.***

**УШБУ СОНДА**

3-бет — Жисмоний шахслар даромадидан солиқ
4-бет — Бизнинг маслаҳатлар
5-7-бетлар — “Чақимчилик” қонун доирасида
8-9-бетлар — Халқаро майдонда

$1 = 1295,12 сўм €1 = 1900,33 £1 = 2539,86 сўм ¥10 = 121,31 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra •Jannat Makon•7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
pr44_045
тел./факс: (99897)
119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ГАЗЕТА ҚАЧОН ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ?

***Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди 2007 йил октябрида «Оммавий ахборот босма воситаларида медиа-бизнесни юритиш асослари» лойиҳасини амалга ошириш учун грант ажратди. Унда таҳририят бош муҳаррирлари ва ходимларининг иқтисодиёт ҳамда медиа-бизнесни ташкил этиш борасидаги билимлари даражасини ошириш йўли билан нашрларнинг даромад олишини таъминлашга ёрдам беришга қаратилган «Босма ОАВларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва юритиш» амалий қўлланмасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Қўлланма босма ОАВларни бизнес сифатида бошқаришга, уларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш юритишига, улар рақобатбардошлигини оширишга имкон яратиб бериши керак.***

12 февралда Тошкентда «Босма оммавий ахборот воситаларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва юритиш» амалий қўлланмасининг мақсади, вазифалари, тузилиши ва мазмуни» деган мавзуда семинар бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва «Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси таҳририяти ташкил этдилар. Семинарда Тошкент шаҳри ва республика минтақалари босма ОАВ таҳририятларининг муҳаррир ва ходимлари, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг ўқитувчилари, лойиҳани ишлаб чиқувчилар иштирок этишди.

Семинар иштирокчилари қўлланманинг тузилиши ва мазмунини муҳокама қилдилар, унинг амалий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқдилар. Хусусан, унда ахборот бозорининг хусусиятлари, Ўзбекистонда ОАВ фаолиятини қонунга асосан тартибга солиш, медиа-бизнесни барпо этиш ва юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, таҳририятлар фаолият юритишининг иқтисодий асослари, босма нашрларда менежмент ва таҳририят-ноширлик маркетинги хусусиятлари акс эттирилиши кераклиги таъкидланди. Уларда реклама фаолиятини ташкил этиш ва бизнес-режалашга алоҳида аҳамият берилди. Қўлланмага намунавий мансаб йўриқномалари, намунавий уставлар ва ОАВнинг бошқа локал ҳужжатлари намуналарини илова қилиш истаги айтилди, зеро бу нарса қўлланманинг амалий жиҳатдан фойдали бўлишини кучайтиради.

Қўлланма мутахассисларининг кенг доираси, аввало газеталар, ҳафтаномалар, журналлар, ахборот агентликларининг журналистлари, таҳририятлар, медиа-компаниялар, агентликлар раҳбар ва муассислари учун мўлжалланган. У профессионал журналистика соҳасига кириб келаётганлар учун ҳам фойдали бўлади.

Ушбу қўлланма профессионал журналистларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришга, нашрнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашда ва унинг рақобатбардошлигини оширишда ўз ролини англашга ёрдам беришни кўзлайди. Раҳбарлар ундан кундалик фаолиятда нашрларни бошқариш амалиётида фойдалана оладилар. Таҳририят амалиётида иқтисодий дастакларни қўллай олиш уларга бозор муносабатлари шароитига тезроқ мослашиш, мақбул қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

***Ўз ахборотимиз.***

# МАҲСУЛОТИ ХАРИДОРГИР КОРХОНА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» маърузасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.***

Юртимизда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар хорижий фирма ва компанияларнинг Ўзбекистон бозорида ўз ўрнини кенгайтиришга қизиқишини тобора оширмоқда. Буни хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. «Spentex Tashkent Toytepa» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

Ҳиндистоннинг «Spentex Industries» компанияси билан ҳамкорликда 2006 йили ташкил этилган ушбу корхонада пахта толаси замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланади.

Ҳозирги кунда корхона ўз маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириш билан чекланиб қолмасдан, ташқи бозорларда ҳам фаол иш юритмоқда. Корхона маҳсулотлари Европа, Жанубий Америка ва МДҲ мамлакатларига, Исроил, Бангладеш, Жанубий Корея ҳамда Туркияга экспорт қилинмоқда.

Маҳсулотларига талаб катта бўлганлиги туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. «Spentex Tashkent Toytepa» йилига қирқ минг тонна ип-калава ва йигирма икки миллион погон метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонанинг 2007 йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 80 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу йилги кўрсаткични юз миллион долларга етказиш режалаштирилмоқда.

«Spentex Tashkent Toytepa» бош директори Сантош Кумар Жейннинг айтишича, корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб, экспортнинг кенгайишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда хориж сармоядорлари учун яратилган қулай шароит, қатор имтиёзлар муҳим омил бўлмоқда.

– Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун барча имкониятлар мавжуд, – дейди Сантош Кумар Жейн. – Бизнинг асосий мақсадимиз ана шу қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, сифати халқаро талабларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспортини янада оширишдан иборат. Айни пайтда ички бозордаги ўрнимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

***ЎзА.***




## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 12 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1163,79 | 1 Малайзия ринггити | 401,05 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2539,86 | 1 Польша злотийси | 529,36 |
| 1 Дания кронаси | 255,09 | 1 СДР | 2054,11 |
| 1 БАА дирҳами | 352,79 | 1 Туркия лираси | 1096,72 |
| 1 АҚШ доллари | 1295,12 | 1 Швейцария франки | 1182,33 |
| 1 Миср фунти | 234,33 | 1 ЕВРО | 1900,33 |
| 1 Исландия кронаси | 19,70 | 10 Жанубий Корея вони | 13,75 |
| 1 Канада доллари | 1292,15 | 10 Япония иенаси | 121,31 |
| 1 Хитой юани | 180,22 | 1 Россия рубли | 52,77 |
| | | 1 Украина гривнаси | 256,46 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 13.02.2008 | 1 | 0,8442 | 1 | 1,2301 | 1 | 0,0343 |
| Арманистон | 13.02.2008 | 1 | 310,43 | 1 | 451,30 | 1 | 12,59 |
| Беларусь | 14.02.2008 | 1 | 2148,00 | 1 | 3126,84 | 1 | 87,09 |
| Грузия | 14.02.2008 | 1 | 1,57 | 1 | 2,2831 | 1 | 0,0637 |
| Қозоғистон | 14.02.2008 | 1 | 120,32 | 1 | 175,19 | 1 | 4,88 |
| Латвия | 14.02.2008 | 1 | 0,482 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0196 |
| Литва | 14.02.2008 | 1 | 2,3741 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,6237 |
| Молдова | 13.02.2008 | 1 | 11,2203 | 1 | 16,3008 | 1 | 0,4548 |
| Тожикистон | 14.02.2008 | 1 | 3,4558 | 1 | 5,024 | 10 | 1,4011 |
| Ўзбекистон | 12.02.2008 | 1 | 1295,12 | 1 | 1900,33 | 1 | 52,77 |
| Украина | 13.02.2008 | 100 | 505,00 | 100 | 734,169 | 10 | 2,0484 |
| Эстония | 13.02.2008 | 1 | 10,7433 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,435629 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2008 йил 12 февраль ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1307,00 | 1309,00 | 1901,00 | 1926,00 |
| "Асака" банки | 1307,00 | 1309,00 | 1901,00 | 1906,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1308,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1911,00 |
| "Пахта Банк" | 1308,00 | 1310,00 | 1918,00 | 1921,00 |
| "Халқ банк"и | 1307,00 | 1309,00 | 1901,00 | 1914,00 |
| "Ипотекабанк" | 1308,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1910,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1307,00 | 1310,00 | 1917,00 | 1923,00 |
| "UzKDBбанк" | 1308,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1929,00 |
| "Ғаллабанк" | 1308,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1910,00 |
| "Трастбанк" | 1308,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1911,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1307,00 | 1309,00 | 1918,00 | 1921,00 |
| "Алоқабанк" | 1308,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1929,00 |
| "Ў-Т банк" | 1307,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1923,00 |
| "Туронбанк" | 1307,00 | 1309,00 | 1901,00 | 1921,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1307,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1930,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1309,00 | 1310,00 | 1920,70 | 1922,16 |
| "Микрокредитбанк" | 1307,00 | 1309,00 | 1918,00 | 1921,00 |
| "Туркистон" банк | 1308,00 | 1310,00 | 1900,00 | 1915,00 |
| "Даврбанк" | 1307,00 | 1310,00 | 1900,00 | 1920,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1308,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1928,00 |
| "Капитал банк" | 1308,00 | 1310,00 | 1900,50 | 1928,00 |
| "Содерат банк" | 1307,00 | 1310,00 | 1901,00 | 1990,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1307,00 | 1309,00 | 1850,00 | 1950,00 |
| "Универсалбанк" | 1308,00 | 1310,00 | 1919,00 | 1922,00 |
| "Парвинабанк" | 1307,00 | 1310,00 | 1903,00 | 1906,00 |
| "Равнақбанк" | 1307,00 | 1309,00 | 1901,00 | 1926,00 |

***"Банк ахборотномаси" 7-сон (614) 2008 йил 13 февраль.***

УШБУ СОНДА:

**ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ**
✓ Истеъмолчилар ҳуқуқи доимий ҳимояда
✓ Тадбиркорлар кўмакчиси **1-бет**
**БИЗНЕС-АХБОРОТ**
✓ Газета қачон даромад келтиради?
✓ Маҳсулоти харидоргир корхона
✓ Валюталар курси **2-бет**
**БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**
✓ 2008 йилнинг февраль ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби **3-бет**
**БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
✓ Тўлов бир йилдан кўпга чўзилади
✓ Ноанъанавий саволлар **4-бет**
**НУҚТАИ НАЗАР**
✓ Гап ташиш... Яхшими ёки ёмон? **5-7-бетлар**
**ХАЛҚАРО МАЙДОНДА**
✓ Эҳтиёжсиз менга солиқ солманг **8-9-бетлар**
**БИЗНЕС-ПАНОРАМА** **10-16-бетлар**

# 2008 ЙИЛНИНГ ФЕВРАЛЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

| *Солиқ солинадиган даромад миқдори* | *Солиқ суммаси* |
|---|---|
| (6 x 37 260) = 223 560 сўмгача | Даромад суммасининг 13 фоизи |
| 223 561 сўмдан (10 x 37 260) = 372 600 сўмгача | 29 062,8 сўм + 223 560 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи |
| 372 601 сўм ва ундан юқори | 55 890 сўм + 372 600 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи |

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонига биноан 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сўм этиб белгиланган. Январь-февраль ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 37 260 сўмни (18 630 + 18 630) ташкил қилади.

***I МИСОЛ.*** *Корхона ходимига февраль ойи учун 100 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. Унинг январь-февраль ойлари учун жами даромади 200 000 сўмни (100 000 + 100 000) ташкил этади. Январь ойида ушланган солиқ суммаси 13 000 сўмга тенг.*

*Февраль ойи учун иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Январь-февраль ойлари учун солиқ суммаси (200 000 сўм даромаддан) аниқланади:*

*ходимнинг январь-февраль ойлари учун даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – 223 560 сўм (37 260 x 6)дан ошмаслиги сабабли, унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади:*

*200 000 x 13% = 26 000 сўм.*

*2. Ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*26 000 – 13 000 = 13 000 сўм (февраль ойи учун солиқ суммаси).*

*3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг солиқ солинадиган суммаси 1%и миқдорида белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарорининг 2-банди). Январь-февраль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридаги мажбурий ушланмалар суммаси 2 000 сўмни (200 000 x 1%) ташкил этади. Январь ойида 1 000 сўм ушлаб қолинган. Февраль ойида 1 000 сўм (2 000 – 1 000) ушланиши лозим.*

*4. Февраль ойида бюджетга 12 000 сўм (13 000 – 1 000) даромад солиғи ўтказилади.*

*5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%и миқдорида белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди). Февраль ойи учун мажбурий суғурта бадаллари ажратмалари ходимнинг барча иш ҳақи суммаси – 100 000 сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси 2 500 сўмни (100 000 x 2,5%) ташкил этади.*

*6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолинганидан кейин иш ҳақи суммаси:*

*100 000 – 13 000 – 2 500 = 84 500 сўмни ташкил этади.*

***II МИСОЛ.*** *Корхона ходимига февраль ойи учун 200 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-февраль ойлари учун жами даромади 400 000 сўмни (200 000 + 200 000) ташкил этади. Январь ойида 31 370 сўм солиқ ушланган.*

*Унинг февраль ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Январь-февраль ойлари учун солиқ суммаси (400 000 сўм даромаддан) аниқланади:*

*55 890 + (400 000 – 372 600) x 25% = 62 740 сўм.*

*2. Ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*62 740 – 31 370 = 31 370 сўм (февраль ойи учун солиқ суммаси).*

*3. Январь-февраль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 4 000 сўмни (400 000 x 1%) ташкил этади, январь ойида 2 000 сўм ушлаб қолинган, февраль ойида 2 000 сўм (4 000 – 2 000) ушланиши лозим.*

*4. Февраль ойида бюджетга 29 370 сўм (31 370 – 2 000) даромад солиғи ўтказилади.*

***III МИСОЛ.*** *Солиқ кодекси 180-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар) февраль ойи учун 200 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. Январь-февраль ойлари учун жами даромад 400 000 минг сўмни (200 000 + 200 000) ташкил этади. Ходимнинг январь ойидаги даромадидан ушлаб қолинган солиқ суммаси 16 997,4 сўмни ташкил этди.*

*Солиқ кодекси 180-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 бараварига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-февраль ойлари учун солиқ солинмайдиган жами даромади қуйидагини ташкил этади: 4 x 37 260 = 149 040 сўм.*

*Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:*

*400 000 – 149 040 = 250 960 сўм.*

*2. Январь-февраль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (250 960 сўм даромаддан):*

*29 062,8 + (250 960 – 223 560) x 18% = 33 994,8 сўм.*

*3. Февраль ойида ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*33 994,8 – 16 997,4 = 16 997,4 сўм.*

*4. Январь-февраль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 2 509,6 сўмни (250 960 x 1%) ташкил этади, январь ойида 1 254,8 сўм ушлаб қолинган, февраль ойида 1 254,8 сўм (2 509,6 – 1 254,8) ушланиши лозим.*

*5. Февраль ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 15 742,6 сўмга (16 997,4 – 1 254,8) тенг.*

***IV МИСОЛ****. Ходимга февраль ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. Юбилей санаси муносабати билан унга январь ойида қиймати 50 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилди.*

*Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИҲнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қийматига, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинмайди.*

*Ходимнинг январь-февраль ойларидаги жами даромади 450 000 сўмни (200 000 + 50 000 + 200 000) ташкил этади. Январь ойи учун 31 370 сўм солиқ ушланган.*

*Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:*

*450 000 – 50 000 = 400 000 сўм.*

*Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.*

***V МИСОЛ.*** *Ходимга февраль ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилди.*

*Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИҲнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қийматига, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинмайди.*

*Ходимнинг январь-февраль ойларидаги жами даромади 550 000 сўмни (200 000 + 150 00 + 200 000) ташкил этади. Январь ойи учун 40 925 сўм солиқ ушланган.*

*Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Солиқ солинадиган даромад:*

*550 000 – 111 780 = 438 220 сўмга тенг.*

*2. Январь-февраль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (438 220 сўм даромаддан):*

*55 890 + (438 220 – 372 600) x 25% = 72 295 сўм.*

*3. Февраль ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*72 295 – 40 925 = 31 370 сўм.*

*4. Январь-февраль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 4 382,2 сўмни (438 220 x 1%) ташкил этади, январь ойида 2 382,2 сўм ушлаб қолинган, февраль ойида 2 000 сўм (4 382,2 – 2 382,2) ушланиши лозим.*

*5. Февраль ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 29 370 сўмга (31 370 – 2 000) тенг.*

***VI МИСОЛ****. Ходимга февраль ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан унинг аризасига биноан унга январь ойида 250 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган.*

*Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.*

*Ходимнинг январь-февраль ойлари учун жами даромади 650 000 сўмни (200 000 + 250 000 + 200 000) ташкил этади. Январь ойи учун 37 980 сўм солиқ ушланган.*

*Солиқ ундан қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:*

*18 630 x 12 = 223 560 сўм.*

*2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:*

*650 000 – 223 560 = 426 440 сўм.*

*3. Январь-февраль ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (426 440 сўм даромаддан):*

*55 890 + (426 440 – 372 600) x 25% = 69 350 сўм.*

*4. Февраль ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*69 350 –37 980 = 31 370 сўм.*

*5. Январь-февраль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 4 264,4 сўмни (426 440 x 1%) ташкил этади, январь ойида 2 264,4 сўм ушлаб қолинган, февраль ойида 2 000 сўм (4 264,4 – 2 264,4) ушланиши лозим.*

*6. Февраль ойи учун бюджетга 29 370 сўм (31 370 – 2 000) даромад солиғи суммаси ўтказилади.*

***VII МИСОЛ****. Ходимга февраль ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланган. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан унинг аризасига биноан январь ойида унга 150 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган.*

*Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.*

*Ходимнинг январь-февраль ойлари учун жами даромади 550 000 сўмни (200 000 + 150 000 + 200 000) ташкил этади. Январь ойида 31 370 сўм солиқ ушланган.*

*Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:*

*моддий ёрдам суммаси – 150 000 сўм – имтиёз миқдоридан (18 630 x 12 = 223 560 сўм) ошмаслиги сабабли, солиқ солинадиган даромад:*

*550 000 – 150 000 = 400 000 сўмга тенг.*

*Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.*

***VIII МИСОЛ****. Корхона ходимига февраль ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.*

*Корхона раҳбарининг буйруғига биноан январь-февраль ойларида унга хизмат сафарлари учун «Нексия» русумли шахсий автомобилидан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда компенсация тўланган. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. «Нексия» русумли автомобиллар учун (ВМнинг 154-сон қарорига 3-иловага мувофиқ) у энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.*

*Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари жумласига хизмат сафарлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар киритилади.*

*Февраль ойи учун компенсация миқдори 93 150 сўмни (18 630 x 5) ташкил қилади ва белгиланган чегараланган миқдордан ошмайди. Январь-февраль ойлари учун умумий компенсация суммаси 186 300 сўмдан (93 150 + 93 150) иборат.*

*Январь-февраль ойлари учун жами даромад 586 300 сўмни (200 000 + 93 150 + 200 000 + 93 150) ташкил этади. Январь ойида 31 370 сўм солиқ ушланган.*

*Ходимнинг февраль ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:*

*586 300 – 186 300 = 400 000 сўм.*

*Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.*

***IX МИСОЛ.*** *Корхона ходимига февраль ойи учун 200 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.*

*Корхона раҳбарининг Ўзбекистон доирасида хизмат сафарида бўлган вақт учун суткалик харажатларни тўлаш ҳақидаги буйруғи билан республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 50%и миқдорида суткалик пуллар белгиланган. Январь ойида ходим Бухоро шаҳрига 10 кунга хизмат сафарига юборилган. Суткалик тўловлар суммаси 93 150 сўмни (18 630 : 2 x 10) ташкил этди. Февраль ойида ходим Фарғона шаҳрига 8 кунга хизмат сафарига юборилган. Суткалик тўловлар суммаси 74 520 сўмни (9 315 x 8) ташкил этди.*

*Жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва МАИМҚВнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 11-бандида белгиланган суткалик харажатлар нормаларини қўллаш лозим. Солиқ кодекси 174-моддасининг 9-бандига мувофиқ жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган суткалик тўловлар нормалари Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари – вилоят марказларида – 1 863 сўмни (0,1 x 18 630) ташкил этади.*

*Бизнинг мисолда жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган суткалик тўловлар миқдори январь ойида 18 630 сўмга (1 863 x 10) ва февраль ойида 14 904 сўмга (1 863 x 8) тенг. Белгиланган нормадан ортиқча суткалик тўловлар суммаси январь ойи учун 74 520 сўмга (93 150 – 18 630) ва февраль ойи учун 59 616 сўмга (74 520 – 14 904) тенг.*

*Январь-февраль ойлари учун солиқ солинадиган жами даромад 534 136 сўмни (200 000 + 74 520 + 200 000 + 59 616) ташкил этади. Январь ойи учун 50 000 сўм солиқ ушланган.*

*Февраль ойи учун иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Январь-февраль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (534 136 сўм даромаддан):*

*55 890 + (534 136 – 372 600) x 25% = 96 274 сўм.*

*2. Февраль ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*96 274 – 50 000 = 46 274 сўм.*

*3. Январь-февраль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 5 341,36 сўмни (534 136 x 1%) ташкил этади. Январь ойида 2 745,2 сўм ушлаб қолинган, февраль ойида 2 596,16 сўм (5 341,36 – 2 745,2) ушланиши лозим.*

*4. Февраль ойи учун бюджетга 43 677,84 сўм (46 274 – 2 596,16) даромад солиғи ўтказилади.*

***Ҳисоб-китобни эксперт,***
***Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси***
***Муҳиддин ЗАЙНУТДИНОВ тайёрлади.***

# ТЎЛОВ БИР ЙИЛДАН КЎПГА ЧЎЗИЛАДИ

**?** ***Корхона 2007 йил 1 декабрда 5 йил муддатга фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олди. Давлат божи лицензиянинг амал қилиш даврида тенг улушлар билан бир йилда бир марта тўланади. У тўлов кунида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 340 бараварини (ҳар бир йил учун) ташкил этади. 6 334 200 сўмни ташкил этган (340 х 18 630 сўм) биринчи тўлов 2007 йил 26 ноябрда амалга оширилди. Иккинчи тўлов бир йилдан кейин, тўлов кунида энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади. Ваколатли органга лицензия олишга доир учун ҳужжатларни кўрганлик учун 37 260 сўм ўтказилди.***

***Бухгалтерия ҳисобида лицензия олиш харажатларини қандай акс эттириш керак?***

– Тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан олинган, фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланишга лицензиянинг бошланғич қиймати бўлиб дастлаб тан олинган кредиторлик қарзи суммаси ҳисобланади *(молия вазирининг АВ томонидан 2005 йил 27 июнда 1485-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган 7-сон БҲМС «Номоддий активлар»нинг 14-банди).* Яъни уни олаётганда лицензия олиш билан боғлиқ барча харажатлар суммасига, бунга корхона у амал қиладиган барча йиллар учун тўлаши керак бўлган бож ҳам киради, 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» ҳисобварағи дебетланади ҳамда 7290-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» ва 6990-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварақлари кредитланади. Фойдаланишга ўтказилаётганда 0830-ҳисобварақ 0410-«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» ҳисобварағига ёпилади. Ҳар йилги (ярим йиллик) тўлов чоғида жорий қарз қисмини сўндириш акс эттирилади. Энг кам иш ҳақи миқдорининг кўпайиши муносабати билан тўловлари кўпаядиган суммани қайта баҳолаш натижаси сифатида лицензия қийматига киритиш керак.

Сизнинг ҳолатингизда номоддий актив – дастлабки кредиторлик қарзи суммаси бўйича белгиланган лицензиянинг қиймати 31 671 000 сўмни (340 х 18 630 сўм х 5 йил) ташкил этади, бу ерда:

340 – ЭКИҲда давлат божи миқдори;

18 630 сўм – тўлов кунида энг кам иш ҳақи миқдори;

5 йил – лицензиянинг амал қилиш муддати.

Лицензиянинг бошланғич қийматида корхонанинг ҳужжатларни кўриб чиққанлиги учун ваколатли органга тўлаган харажатларини (37 260 сўм) ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобида лицензия олиш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

| N | Хўжалик операцияларининг мазмуни | Сумма (минг сўм) | 21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси | |
|---|---|---|---|---|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Лицензия олишга доир ҳужжатларни кўриб чиққанлик муносабати билан харажатлар акс эттирилади | 37,26 | 0830<br>6990 | 6990<br>5110 |
| 2 | Узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар таркибида 5 йил учун лицензияга давлат божи акс эттирилди | 25 336,8<br>6 334,2 | 0830 | 7290<br>6990 |
| 3 | Жорий қарз сўндирилади | 6 334,2 | 6990 | 5110 |
| 4 | Лицензиянинг фойдаланишга берилиши | 31 708,26 | 0410 | 0830 |

***Шарофиддин ҲАЙДАРОВ,***
***Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармасининг бошлиғи.***

*Ноанъанавий саволлар*

## ХУШБЎЙ ҲИД ЎЗИГА ХОС РЕКЛАМА

**?** ***Эшитишимча, истеъмолчига таъсир этадиган воситалар орасида хушбўй нарсаларга тобора зўр берилмоқда. Айтинг-чи, қандай ҳид бизни харид этишга кўпроқ ундайди?***

**С.Газидуллин,**
**Тошкент шаҳри.**

– Чакана савдо билан шуғулланувчи компаниялар харидорларни ўзига оғдириш, сотув ҳажмини ошириш учун хушбўй ҳидлардан бот-бот фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Муаттар ҳидлар билан боғлиқ маркетингнинг келажаги порлоқ кўринади. Мутахассисларнинг фикрича, хушбўй ҳид бошқа ҳар қандай нарсага қараганда харидорга кучлироқ таъсир этар экан. Маҳсулотнинг ҳиди хушбўй бўлса, демак у яхши маҳсулотдир деб ҳисоблайдилар кўпинча.

Худди шу сабабли муаттар ҳидлар билан боғлиқ маркетинг ҳозирги чакана бизнес соҳасида асосий роль ўйнайдиган воситалар қаторига чиқиб олди. Ғарбдаги йирик супермаркетлар бундай маркетингдан ҳар куни фойдаланмоқдалар. Масалан, чақалоқларга мўлжалланган товарлар сотиладиган бўлимда болалар упасининг ажиб ҳиди анқийди, ички кийимлар бўлимида бойчечаклар ҳиди уфуриб туради. Янги йил байрамлари мавсумида эса ҳамма дўконда шоколад ва арча ҳиди димоқларни қитиқлайди.



Йирик меҳмонхоналарда хушбўй ҳид анқиб туриши яхши мебель ва башанг кийинган ходимлар қатори ўзига чорловчи омил бўлиб қолди. Forbes тадқиқотчиларининг маълумотларига қараганда, меҳмонхона раҳбарияти биринчи қаватга кираверишда вафли ва шакарли печенье ҳиди келиб туришини таъминлагач, меҳмонхонанинг биринчи қаватида жойлашган дўконда музқаймоқ сотиш 45 фоиз кўпайган. Таассуфки, биздаги чакана савдо тармоқлари рекламанинг бу технологияси қадрини ҳозирча тушуниб етганлари йўқ.

Хушбўй ҳид ўзига оҳанрабодек тортиб туриши учун қилинган харажатлар, олимларнинг фикрича, димоғига хушбўй ҳид уриб, шу дўконларга ёпирилиб кираётган кишилар қилган харидлари эвазига қопланиб кетади.

## БУХГАЛТЕРНИНГ КОКА-КОЛАГА АЛОҚАДОРЛИГИ

**?** ***Кўпчилик севиб истеъмол қиладиган кока-кола ичимлигини бухгалтер ўйлаб топган дейишади. Шу ростми?***

**Шерзод Азимов,**
**Янги ҳаёт шаҳарчаси.**

– Ҳаммага машҳур Coca-Colaнинг рецептини Американинг Атланта шаҳридаги камтаргина фармацевт Жон Стив Пембертон тузган. У спиртли дамлама ичкилик муқобилини ихтиро қилишга уриниб, лимонаднинг муқобилини кашф этган. У ўйлаб топган шифобахш ичимлик таркибига Жанубий Америкадаги кока дарахти баргининг ҳамда Африкадаги кола дарахти ёнғоғи мағзининг экстрактлари киради.

Бу ичимлик тарихида бухгалтер чиндан ҳам салмоқли роль ўйнаган. Дорихонада бухгалтер бўлиб ишлайдиган Френк Робинсон Coca-Colaнинг биринчи логотипини ўйлаб топди: бу ёзув алоҳида жимжимадор, ҳашаматли эди. Робинсоннинг қатъияти туфайли рекламага алоҳида эътибор қилинди. Ичимлик ихтиро этилгач, уч ҳафта ўтар-ўтмас матбуотда шу ҳақда ёзишди. Ичимликнинг нуфузини баланд тутиш узоқ вақт анъана бўлиб турди. Бугунги кунда ҳам Coca-Cola жаҳондаги энг қиммат ва энг машҳур ичимлик сифатида ўз довруғини сира пасайтирмасликка ҳаракат қилмоқда.

Айтмоқчи, аввалига аралашманинг таъми ёқимсиз эди, сўнгра унга бир қанча ингредиентлар қўшишди. Натижада вижиллайдиган жигарранг ичимлик ширин таъми билан бутун жаҳонни забт этди. Coca-Cola таркибига айни қандай ингредиентлар қўшилиши, унинг мўъжизавий формуласи ҳозирги кунга қадар ҳам жуда махфий сақланмоқда.

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми?***

***Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

РЕКЛАМА

**“Бератор Гроссбух” –**
**бухгалтер ва раҳбар саволига тезкор жавоб**

***Нима учун қонунларнинг компьютер базасига эга бухгалтерлар ҳам янглишадилар?***
***Бухгалтерияни юритишнинг икки хил усули бор***

1. Қонунларни мустақил ўқиб, уларни хатосиз шарҳлашга уриниш.

2. **ОДДИЙГИНА** ўз рақамларини “Бератор - Гроссбух”даги тайёр вазиятларга қўйиш.

1. **Агар иккита бухгалтер биргина конунни ўқиса,** уларнинг ҳар бири уни бироз ўзича қўллайди. Ўтказмалар, ҳисоблаб ёзиш, ҳужжатларни тўлдиришда нимасидир фарқланади. Зеро бу улардан бири бухгалтерияга оид хато қилганидан дарақдир.
2. **“Раҳбар учун бератор”** бутун фаолият бўйича 800 та бошқарувга оид вазият.

**Қонунларни ўқиш осон уларни хатоларсиз қўллаш қийинроқ.**
**Ташкилотнинг бутун фаолиятини тўлиқ қамраб олувчи,**
**етакчи аудиторлар ва юристлар илмий гуруҳидан 800 та вазият.**
**(Ўтказмалар, ҳисоблаб ёзишлар, мисоллар ва қонунларга ҳаволалар).**

**“Бухгалтерия” + “Солиқ солиш” + 12 та янгилаш =**
**ҳали ҳам 117 000 сўм (бироқ иккита маълумотнома учун!!!)**
ёки 40000 сўм ва бўлиб-бўлиб тўлаш.

Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан қўллашга тавсия этилган
**“БТЛ” МЧЖ ва “Академпресса”. Сарлавҳа,**
**Бератордан лавҳалар ва шартномалар факс ва e-mail орқали.**
**www.berator.ru Тел.: 1420542, 1420696**

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

# ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

NORMA иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

**Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими?**
**Янги Солиқ кодекси чиқдими??**
**Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???**

**ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС**



**“АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ”**
1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар



**“АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ”**
2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар

**12 ой давомида 6 та янгилаш**

**• Тушунтиришлар • Шарҳлар • Тавсиялар**

***Биз иккитани бирда, учтани иккитада бирлаштирмаймиз – Биз тўлиқ ахборот берамиз!***

**Қўшимча ахборот учун телефонлар: 144-89-17, 144-44-29, 132-18-80**



***Фош этилган ҳуқуқбузарликларга доир статистика маълумотларида уларнинг қанчаси тегишли органлар томонидан аниқланганлиги-ю, қанчаси «холис одамлар» ёрдамида аниқлангани ҳақида хабарлар учрамайди. Умуман олганда, ижтимоий фойдали хулқ-атворнинг ана шу – «гап ташиш» шакли ҳеч қачон очиқ ва ошкора тарғиб этилмайди. Жиноят ҳақида тегишли жойларга виждонан хабар қилган фуқароларнинг ўзлари эса бу йўналишдаги фаолиятлари ҳақида, очиғини айтганда, оғиз очмасликни маъқул кўрадилар.***

# ГАП ТАШИШ... ЯХШИМИ ЁКИ ЁМОН?

Жисмоний шахсларни, шу жумладан муассаса ва компанияларнинг ходимларини ҳуқуқбузарликлар ҳақида ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа давлат органларига ёзма арз қилишга мажбурлашга ҳозирча бизда ҳеч ким ҳақли эмас. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига биноан «Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади». Гап ташиш[1], ***чақимчилик, тегишли жойларга хабар қилишга нисбатан салбий муносабат кўпроқ шаклланганига қарамай, кимлардир ўз ихтиёри билан шундай иш тутади. Бунинг учун, таъбир жоиз бўлса, асаб темирдан, одамнинг ўзи эса ниҳоятда соғлом бўлиши керак. Бинобарин, чақимчи ёки гап ташувчини нари борса, ўртага олиб муҳокама қилишади, аммо иш чаппасига кетиб, қоидабузар сувдан қуруқ чиқса, хабар қилган одам ўзини оқлаш ҳаракатини қилмаса бўлмайди.***

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддасига кўра, ёлғон хабар бериш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Борди-ю, терговчи арзгўй ғаразгўйлик ниятида шу ишга қўл урганлигини исботлай олса, хабаркаш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини олиши тайин. Бундан ташқари етказилган хабардаги маълумотлар қасддан ёлғон деб топилса, текширув ўтказилиши сабабчисидан давлат органи текширув ўтказиш учун қилган барча харажатлар суд тартибида ундириб олинади.

***Америкада ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари билан ихтиёрийлик асосида ҳамкорлик қилувчи шахслар маънавий ва моддий рағбатлантирилади. Бундай фаолият шу тарзда рағбатлантирилишига ўз вақтида Президент Авраам Линкольн ёрдам берган эди. У 1863 йили ҳуқуқ борасидаги ёлғон даъволарга оид қонун қабул қилинишига эришган. Мазкур қонун жумладан армияга яроқсиз топилган қурол-яроғлар ва муддати ўтиб кетган товарларни ўтказишга ҳаракат қилган ноинсоф маҳсулот етказиб берувчиларга қарши қаратилган эди.*** *Ана шундай ноинсофликлар, номатлуб ишлар ҳақида хабар етказган шахс давлат фойдасига ундирилган зарар суммасининг ярмини оларди. Бироқ кейинчалик бу қонундан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланувчилар кўпайиб қолди. Натижада Конгресс 1943 йили қонунга тузатиш киритиб, хабаркашга бериладиган мукофот улушини 10–25 фоиз билан чеклаб қўйди. 1986 йилда қонунга яна аниқлик киритилди ва хабар етказган фуқарога, агар суд процессида ҳукумат иштирок этса, 15–25 фоиз, агар у давлат номидан даъво киритган бўлса, 30 фоиз бериладиган бўлди.* ***1989 йили АҚШда хабар етказиб турувчиларни муҳофаза этишга оид қонун қабул қилинди.***

- *1998 йилда Буюк Британияда компанияларнинг жамият учун таҳдид соладиган ички корпоратив воқеа-ҳодисалар ҳақида маъмурларга ва жамоатчиликка хабар қилган (бу тижорат ва бошқа хил ахборот бўлиши мумкин) ходимларини ҳимоя этувчи қонун ҳужжати кучга кирди. Унинг нормаларига биноан хизматчи компаниянинг у ёки бу ҳаракатларининг фожеали ва ҳалокатли оқибатлари тўғрисидаги кўнгилсиз тусмол-тахминларини даставвал ўз раҳбариятига етказишга ҳаракат қилиб кўриши, раҳбарият томонидан амалий ҳаракат бўлмагач, бу ахборотни халққа етказиши мумкин.*
- ***1995 йилдан бери Европада Expolink хизмати ишлаб турибди. У 43 мамлакат хабаркашларига ўз компанияларидаги ҳар хил суиистеъмолликлар ҳақида электрон почта орқали хабар қилиш имконини бермоқда.*** *Ҳозиргача унинг хизматидан фойдаланганлар сони бир миллион кишидан ошди.*
- ***Интернетда Британия контрразведкасининг MI5 расмий сайти очилган бўлиб,*** *истаган одам унда террорчилар ҳақида ёки тайёрланаётган террорчилик ҳаракатлари хусусида хабар қолдириши мумкин.*
- ***Салкам ўттиз йилдирки, Government Accountability Project (GAP) жамоат ташкилоти жаҳондаги барча мамлакатларнинг хабар етказувчиларини бирлаштириб турибди.*** *Мазкур ташкилот бирон-бир ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида хабар бериш истагидагиларнинг ҳаммаси билан алоқа қилиб туради.*
- ***«Time» журнали 2002 йилни гап ташувчи ва хабар етказиб турувчилар йили деб номлаб, журнал муқовасида учта энг кўп шов-шувга сазовор бўлган хабаркашнинг суратини эълон қилди.*** *Булар хусусан Enron компанияси молиявий жанжалга жалб этилиши мумкинлиги хусусида компания бошлиғига мурожаат этган Шерон Уоткинс, WorldComдаги фирибгарликни ошкор этган Синтию Купер ҳамда Федерал разведка бошқармаси раҳбарияти 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатини тайёрлашда иштирок этганлардан бирининг фаолиятини текширишдан бош тортганлиги хусусида мазкур бошқарма бошлиғини хабардор этган шу бошқарма ходими Колин Роулидир.*
- ***Американинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчилари ўз мижозлари тўғрисидаги махфий ахборотларни ошкор этиш ҳуқуқини олдилар.*** *Мабодо адвокат ўз мижози бирон фирибгарликни тайёрлаётганлигидан ёки бошқа компанияга зарар етказишни мўлжаллаётганлигидан гумон қилса, у бу хусусда АҚШнинг назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига хабар қилиши мумкин. Мазкур мамлакатдаги ўзини ўзи бошқарувчи йирик ташкилотларидан бири – Америка адвокатлар ҳайъати Адвокатларнинг касб одоби кодексига тузатиш киритди. Шунга мувофиқ мижоз компания жиноят содир этишга, шу жумладан фирибгарлик билан боғлиқ жиноят содир этишга тайёрланаётган бўлса ёхуд унинг ҳаракатлари бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга зарар етказиши мумкин бўлса, адвокат ёки юрисконсульт бу ҳақда компаниянинг юқори раҳбариятига хабар қилиш ҳуқуқига эга. Борди-ю, бу хабар эътиборсиз қолдирилса, адвокат (юрисконсульт) содир этилиши эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида АҚШнинг назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига хабар қилиши мумкин. Мазкур норма адвокат зиммасига мижоз тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор этиш вазифасини юкламайди, унга шундай қилиш имкониятини беради, холос. Ана шу тузатиш қабул қилингунга қадар америкалик адвокатлар компаниянинг тусмолланаётган жинояти ҳаётга таҳдид этиш ёки зўравонликни қўлланиш билан боғлиқ бўлган тақдирдагина ахборотни ошкор эта олардилар. Эндиликда ошкор этишга сабаб бўладиган жиноятлар доираси кенгайди.* ***Америка аудиторларида ҳам худди шундай қоида амал қилмоқда. Башарти аудитор компаниянинг бухгалтерия ёки солиқ бобидаги амалиётини маъқул топмаса, истеъфога чиқиши зарур, аудиторнинг ошкора тарзда истеъфога чиқиши жамоатчилик томонидан одатда корпорациянинг айбига далолат сифатида қабул қилинади.*** *Бошқа жиҳатдан олганда, адвокатларнинг ўзлари эътироф этганидек, ўз мижозини бундай аҳволга тушириб қўйишга уларнинг аксарияти журъат қилмаса керак. Бинобарин, мижозлар унчалик ташвишланмаса ҳам бўлаверади.*

## ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИКДА ГАП КЎП

**Тадбиркор Ё.:**

– **Чақимчилик ёки гап ташишга муносабат жамият қанчалик тараққий топганлиги, у ёки бу ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган умумий даражаси билан боғлиқ масаладир.** Тўғри, кўпчиликнинг назарида оғир ҳисобланадиган жиноят, айтайлик қотиллик содир бўлса, илгари гап ташиш, хабар етказишни ёқтирмайдиганлар ҳам милиция билан ҳамкорлик қилишни ёқлайди. Демак, масала бу ҳолат ўз-ўзича яхши ёки ёмон эканлигида эмас, балки жамиятда жиноятчиликка нисбатан сабр-чидам ва тоқат чегараси ўтадиган жойда кўринади. Бунинг эса ўзига хос нозик томонлари бор.

Айтайлик, бир одам светофорнинг қизил чироғи ёниб турганида машинасини тўхтатмай ўтиб кетди. Бундай ҳолатда автоинспекцияга хабар қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Ўша қоидабузарликни кўрган одам қоидани бузиб ўтса-ўтибди, нарироққа бориб барибир ДАН инспекторининг қўлига тушади ёки бу ишнинг менга сира алоқаси йўқ дея ўз виждонини тинчитган бўлади. Германияда эса аҳвол бутунлай бошқача. У ерда бир неча йил турганим учун шуни комил ишонч билан айтаманки, уларда шунга ўхшаш қоидабузарликни кўрган одам полицияга қўнғироқ қилиб, машинанинг номерини хабар қилади. Бундай қараганда, уларда ҳамма ялписига чақимчилик қилади, гап ташийди дейиш ҳам мумкин. Аммо немис деганларининг онги, ақл-заковати, маданият нуқтаи назаридан светофорнинг қизил чироғини писанд қилмай ўтиб кетган ҳайдовчи ё катта жиноятчи ёки бошқаларга ўхшамайдиган хулқ-атворли шахсдир. Зотан немислар ақли расо одам светофор чироғи қизил ёниб турганда машинасини тўхтатиб кутиб туради деб ҳисоблайдилар.

Хуллас, ҳаммаси жамият умуман қанчалик равнақ топгани-ю, одамларнинг қонунга итоаткорлигига боғлиқдир. Жамият қонун-қоидаларга қатъий риоя этиши, энг аввало шундай фуқаролик етуклиги қарор топиши ва бундан жамиятнинг ўзи манфаатдор бўлиши керак. Фуқаролик етуклиги билан гап ташиш, чақимчилик қилиш ўртасида катта тафовут бор. **Ёнгинамизда оғир жиноят, яъни қотиллик ва шунга ўхшаш жиноят содир бўлса, биз етуклик даражасида иш тутамиз. Аммо иқтисодий жиноятни оғир жиноят санамаймиз.** Бинобарин, ҳаётга бевосита таҳдид этишига қараб жиноятни кўрмаганликка олиб кўз юмиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини белгилаган бўламиз. Ҳолбуки, иқтисодий жиноятлар ҳам жамият учун ўта оғир ва хавфли бўлиши мумкин.

Одамлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликка киришишлари учун жамият том маънода етилиши, органларнинг ўзлари ҳам ўзгариши керак, уларнинг ходимлари чиндан ҳам энг аввало давлат манфаатлари, бинобарин ижтимоий манфаатлар учун жон куйдириши лозим.

Фирмамизда бўлим бошлиқларига улардан кимлардир давлат органлари билан ҳамкорлик қилаётган бўлса, қандини урсин, бу уларнинг шахсий иши деб уқтираман. Биз муҳим давлат объектларида ишлаймиз. Шундай экан, давлат қандайдир йўллар билан шу объектлардаги вазиятни кузатиб борар экан, бунга табиий ҳол деб қараганим учун ташвишланмайман ҳам. Аммо қўл остимдагилардан биронтаси фирмага оид тижорат хабарини қаергадир етказганлигини билиб қолсам, оқибати яхши бўлмайди. Сир эмаски, ўтган асрнинг 90-йилларида жиноий унсурлардан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг айрим ходимларидан ҳам чўчирдик. Улар тартиб сақланишини кузатишдан кўра кўпроқ бизнес аҳлини мўмайгина пулга туширишга ҳаракат қилишарди, бунинг уддасидан чиқишарди ҳам. Шу сабабли кимнингдир хаёлига ана шу ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар қилиб қўйиш фикри келган бўлса ҳам бу ўз жонига қасд қилишдек бир гап деб қаралгани учун амалий ҳаракатларга журъат этмасди. Қонунларни бузадиган барча фирмаларни бундай амалдорлар ўз «паноҳлари»га олган эдилар. Шу боис бу борадаги бирон-бир хабарни тегишли жойга етказишнинг, юмшоқроқ қилиб айтганда, фойдасидан зарари кўпроқ эди.

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ФОШ ЭТИШДА ХАБАР ЕТКАЗИБ ТУРУВЧИЛАРНИНГ ҲАМ УЛУШИ БОР

**Прокуратура ходими Э.:**

– Жамоатчилик билан жипс ва яқин ҳамкорлик қилиш прокуратура ишининг асосий принципларидан биридир. Текширувларнинг каттагина қисмини биздаги хизматлар айнан фуқароларнинг мурожаатлари асосида ўтказадилар. Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида рўй-рост кўрсатилганидек, жиноят ишини қўзғатишга: шахсларнинг аризалари; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши; айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади. Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар эса жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади[2]. Кўриниб турибдики, Жиноят-процессуал кодексида санаб ўтилган дастлабки учта асос айни жамоатчилик иштирок этишини назарда тутади. Фош этилган ҳуқуқбузарликларда бизга четдан

6-бетда

[1]*Гап ташиш – бирор ерда айтилган фикрни (бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабарни) иккинчи ерга, бошқа кишига етказиб туриш; чақимчилик қилиш. Қаранг. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 1. Т. – «Ўзбек миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. 482-б.*

[2]*Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддаси.*

# ГАП ТАШИШ...

5-бетда

маълумот етказиб берганлар, ташқи ахборот манбалари улуши катта.

Бу жисмоний шахслар тўғридан-тўғри хабар етказиб туришлари шарт деган маънони англатмайди, албатта. Биз, масалан, матбуотдаги танқидий материалларга алоҳида эътибор қиламиз. Бундай материаллар тўплаб борилади ва пухта ўрганилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шу йўналишдаги ахборот назорат остига олинади.

Хусусан, солиққа оид жиноятларни фош этишда жамоатчиликнинг роли катта. Кўпинча бундай жиноятлар харидорлар ёки хўжалик муомаласида иштирок этаётган бошқа шахслар хабар қилганлиги туфайли аниқланади. Бундай хабар қилганликни рағбатлантириш ҳозирча қонун ҳужжатларимизда назарда тутилмаган. Ваҳоланки, ғарбдаги баъзи мамлакатларда шундай қилишади. Бизда солиқ хизматида ҳам, Адлия вазирлигида ҳам «ишонч телефонлари» жорий этилган бўлиб, содир этилган ёки тайёрланаётган ҳуқуқбузарлик ҳақида ҳар қандай одам шу телефонлар орқали хабар қилиши мумкин. У бу ишни «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга биноан оғзаки, («ишонч телефонлари» орқали) ёки ёзма равишда амалга ошириши мумкин.

Ана шундай шикоятни олган муассаса уни кўриб чиқиши ҳамда арзгўйга ўн беш кундан кечиктирмай жавоб бериши керак. Агар қўшимча равишда текшириш талаб этилса, бу муддат бир ойга қадар узайтирилиши мумкин.

**– Билишимча, «ишонч телефони» орқали ёки бошқа ҳар қандай усулда бериладиган хабар аноним бўлмаслиги керак. Ҳар қандай шикоятда арзгўйнинг манзили аниқ кўрсатилмоғи лозим.**

– Дарҳақиқат, аноним хабарлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Мабодо, бирон одам махфий қолишни ва айни бир вақтда ҳуқуқбузарлик ҳақида тўғри ахборот беришни истаса, унинг аҳволини инобатга олиш ҳамда берган хабари асосида текширув ўтказиш мумкин эди... Лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай имкониятни рақобатлашувчилар, шунчаки ноинсофлар суиистеъмол қилиб юборадилар. Шу боис «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди[3].

**– Бирон киши ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар қилар экан, давлат органларига ўзи ҳақидаги зарур маълумотларни ҳам тақдим этиши ва шикоятни ўз қўли билан имзолаган бўлиши керак. Ана шу маълумотлар шикоятни текшириш, жиноят иши қўзғатиш ва жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида ошкор этилмаслигининг бирон-бир кафолати борми?**

– Жиноятнинг гувоҳига оид ахборотнинг сир сақланиши имконини берадиган процессуал механизмлар мавжуд. Таассуфки, фуқароларнинг одатдаги мурожаатлари борасида, агар улар юзасидан судда жиноят иши юритилмайдиган бўлса, бундай тартиб назарда тутилмаган. Мабодо тушган ариза асосида жиноят иши келиб чиқадиган бўлса, биз арзгўйни ҳимоя этиш чораларини кўришимиз мумкин, табиийки, бу иш жиноят иши доирасида амалга оширилади. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабарга нисбатан бундай қила олмаймиз. Ана шу мавзуга қонун яратувчилар эътибор бериши керак деб ўйлайман. Оғзаки ёки ёзма шикоят берганда ўзи ҳақида маълумотлар тақдим этиш зарурлиги кўпчиликни чўчитади. Америкада гувоҳларни ҳимоя этишнинг бутун бир тизими амал қилади, яъни уларни яшириб қўядилар, янги ҳужжатлар ва уй-жой билан таъминлайдилар, зарурати бўлса, уларнинг пластик операция қилинишини ҳам зиммага оладилар. Исми-шарифини ошкор этмаслик кафолати-ку тайин. Бизда эса бундай хабарлар муаллифларини ҳимоя этиш механизмини ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларимизга тегишли ўзгартишлар киритиш зарур.

– Бу ҳолатга бизда жамоатчиликнинг салбий муносабати сабаби, сизнингча, нимада?

– Бу ўтмиш йилларнинг таъсири, психологик мероси бўлса керак. Орқаваротдан ёзиб пинҳона етказилган, чақимчилик йўсинидаги хабарлар туфайли қанчадан-қанча оилалар ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган даврлар ҳам бўлди. Баъзан битта айблов хатининг ўзи шундай қилиш учун кифоя эди. Текшириб ўтиришмасди ҳам ўшанда. Шу-шу бизда хабар етказиш ҳолатига ҳам, бундай хабарчиларга ҳам ола қарашади. Ўтмишнинг бу асорати авлодлар хотирасидан батамом ўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан халқ ўртасидаги муносабатларда устунлик қилмай қўйиши учун яна кўп йиллар керак деб ўйлайман. Жамоатчилик назорати даражасини ривожланган демократик мамлакатлардаги мавжуд даражага етказишга ҳаракат қилишимиз керак.

**Афсуски, ўтмишда прокуратура ҳақида жазоловчи орган сифатида бағоят номатлуб фикр қарор топган эди. Барча таъқиб ва репрессиялар, билганингиздек, прокуратура орқали амалга ошириб келинди. Ҳолбуки, лотинча «procurare» сўзи дастлаб ғамхўрлик қилиш деган маънони англатган.** Бинобарин, прокурор фуқароларнинг, улар қаерда бўлишидан, мавқеи, жинси, миллати ва шу сингарилардан қатъи назар, манфаатларини ҳимоя этиши керак. Суд жараёнида прокурор айблов вакили сифатида иштирок этиш орқали моҳият эътибори билан манфаатларни, хусусан жабрланувчи тарафнинг манфаатларини ҳимоя этади. Прокуратуранинг энг асосий вазифаси қонунларга тўғри риоя этилишини назорат қилишдир.

**– Жамиятда кўп нарсани халқнинг ақл-заковати, менталитети белгилайди. Назаримда, бизда баъзи нарсалар ғарбдагидек ёки айтайлик, Россиядагидек силлиққина ўтмайди. Зотан бизда ижтимоий муносабатларнинг таянч тузилмаси бутунлай бошқача. Уларда ҳар бири ўзича бир олам бўлмиш индивидлар ҳамжамоаси амал қилади: зўр рақобат, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бағоят теран идрок этиш сабаби ҳам шунда. Фаол тарздаги жамоатчилик назорати негизи ҳам шу. Бизда эса юртдошлик, ҳамшаҳарлик, ҳамқишлоқлик туйғуси, оилавий ришталар кучли, қўшнига ҳам ўз жигаридек муносабатда бўлишади...**

– Буларнинг ҳаммаси муҳим омил, албатта. Аммо эътибор қилган бўлсангиз, бозор муносабатлари ривожланган Шарқ мамлакатларига ҳам барибир ўз сўзини ўтказмоқда. Бозор иқтисодиётининг ўз қонунлари бор, жамият эса ана шу қонунлар таъсирида аста-секин қайта шаклланади. Бизда, хусусан қишлоқ жойларда одамлар ўртасидаги муносабат борасида сиз ҳақсиз, гап ташиш, маълумот етказиш, чақимчилик деган нарсани улар яқин йиллар ичида яқин йўлатмасликлари турган гап. Шаҳарларда ва ҳатто туманларнинг марказларида аҳвол бўлакча. Уларда ишлаб чиқариш, савдо ривожланиб бормоқда, табиийки, рақобат ҳам кучаймоқда. Бугунги кунда интеграция жараёнлари янада кучлироқ жавлон урмоқда. Бошқа мамлакатлар билан қадим-қадимдан кўп тарафлама алоқаларимиз бор. Эндиликда Ўзбекистон халқаро иқтисодий жараёнларга жадал жалб этилмоқда. Бундан буёнги ривожланиш, менинг фикримча, бозор иқтисодиёти биринчи ўринга олиб чиқади, сақланиб қолинадиган шахсий алоқалар эса иқтисодий муносабатларга унчалик кучли таъсир эта олмайди. Ҳозирнинг ўзида шу жараён кечмоқда. Вилоятлар ва мамлакатимиз пойтахтидаги аҳвол қиёсланса, бу борада Тошкентдаги аҳвол бошқа минтақалардаги, олисроқ туманлардагидан анчагина фарқ қилади. Одамлар ўртасидаги, қариндош-уруғлар ва қўшнилар ўртасидаги муносабатларда кескин ўзгаришлар кўзга ташланади.

Эндиликда энг аввало, хабар етказувчи, эътиборга лойиқ гап ташувчининг ҳуқуқий мақомини белгилаб олиш жоиз кўринади. Биринчи босқичда уни жиноий жазога мустаҳиқ жиноятнинг гувоҳи мақомига қонунчилик йўли билан тенглаштирилса, уни реал тарзда ҳимоя этиш, ҳеч бўлмаганда номини ошкор этмаслик кафолатланган бўлур эди. Айтайлик, солиққа оид жиноятлар кенг тарқалганлиги ва улар бюджетга катта зарар келтирётганлиги инобатга олинса, бундан энг аввало давлат манфаатдор бўлиши керак.

## ЯКУН ЎРНИДА

Бизнес соҳасида (жамиятда) ҳуқуқ-тартиботни муайян даражада маромида сақлаб туришнинг чақимчилик, гап ташиш сингари воситаси жамият ва шахс учун мақбуллик масаласида учта асосий жиҳат бор деб ўйлайман. Биринчиси, муайян давлатда гап ташиш, чақимчилик институтларини ривожлантириш зарурлиги ёки мақсадга мувофиқ эканлигига, иккинчиси, амалиётга (таомилнинг хавфсизлиги ва чиқимларига), учинчиси, ана шу соҳага бўлган муносабатимизга тааллуқлидир.

Даставвал шуни қайд этиш жоизки, ҳар қандай давлатда (бизнинг давлат ҳам бундан мустасно эмас) ишбилармонлик муомаласининг аллақандай ёзилмаган қоидалари ва одатлари амал қилади, улар баъзан ҳар қандай қонундан ҳам кучлироқдир. Ўтган йилнинг кузида россиялик таникли иқтисодчи, Москва давлат университети иқтисодиёт факультетининг кафедра мудири, профессор Александр Александрович Аузан Тошкентда жуда қизиқарли лекция ўқиди. Лекция жамиятдаги институционал ўзгаришларга бағишланган эди. Профессор бошқа тадқиқотлар қатори Тиффер ва Ширли раҳбарлиги остидаги иқтисодчилар гуруҳи ўтказган тадқиқот ҳақида ҳам гапириб ўтди. Улар мамлакатларнинг ривожланишига, шу жумладан ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига улушига энг кўп қайси омиллар таъсир этишини аниқлаш мақсадида 84 мамлакатда текшириш ўтказишибди. Натижа ҳаммани ҳайратга соларли эди! **Одатда иқтисодий сиёсатга таъсир этади деб келинган инфляция даражаси, солиқлар йиғими, ташқи савдонинг очиқлиги сингари омиллар унча аҳамиятли эмас экан. Давлатнинг иқтисодий ривожи ва ҳар тарафлама маърифатлилиги нуқтаи назаридан мамлакатда амал қилиб турган қоидалар: қонуннинг ҳукмронлиги, экспроприация таваккалчилиги, дефолт таҳдиди ҳамда ўзининг шартномавий мажбуриятларига ҳукуматнинг риоя этмаслиги, коррупция даражаси, тўрачилик ва шу сингарилар давлат учун белгиловчи аҳамиятга эга экан.**

Қоидалар билан боғлиқ ҳамма

РЕКЛАМА

рг_7-47-03

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси хузуридаги ҳакамлик суди

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- Хўжалик низосини тез ҳал этиш (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- Иш кўришнинг тежамлилиги (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- Судьяларнинг малакаси (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- Мобиллик (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг туғаллиги (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 1394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

# ЯХШИМИ ЁКИ ЁМОН?

## ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИДА ЧАҚИМЧИЛИКНИ ЁҚТИРИШМАЙДИ

**Адвокатлик бюроси директори Р.:**

– Умуман айтганда, бизда ишбилармонлик муҳитида гап ташиш, чақимчилик кенг тарқалмаган. Ўз адвокатлик амалиётимда битта ҳам мижозимни у ҳақидаги маълумот чақимчилик, хабар етказиш орқали ёки кўпинча шикоят деб юритиладиган йўл билан прокуратурага бориб тушганлиги муносабати билан ҳимоя қилишга тўғри келганича йўқ.

**– Фуқаролик бурчи ва ахлоқ-одоб қоидалари айни чақимчилик масаласида бақамти келади. Сиз буни ижобий деб баҳолайсизми ёки салбий?**

– Қатъий бир нарса деб бўлмайди. Энг аввало жиноят турлари бўйича қараш керак. Агар гап одамлар жабрланиши мумкин бўлган босқинчилик, қотиллик, терроризм ҳақида бораётган бўлса, бундай ҳолларда хабар етказиш, чақимчилик ҳамиша ўзини оқлайди. Борди-ю, гап иқтисодий ҳуқуқбузарликлар, масалан, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ёки бирон одам шахсий алами туфайли бошқа бировнинг оёғидан чалаётганлиги ҳақида бораётган бўлса, шахсан мен бу хусусда бирон жойга хабар қилмасдим. Лекин шу тахлит вазиятларда ҳам ўзига хос жиҳатлар борлигини эътиборга олиш зарур.



**– Иқтисодиёт мавзусига қайтсак... Бозорда иккита хўжалик юритувчи субъект бор, уларнинг биттаси ноинсоф, солиқлар ва божлар тўлашда устомонлик, ғирромлик қилади, шу сабабли товарни бирмунча пастроқ нархларда етказиб бериши мумкин, иккинчиси эса солиқ бобида икки ҳисса юкни, яъни ўзиники ва нариги субъектникини кўтаради. Иккинчисининг айланма маблағи камроқ, товари ҳам жилла харидоргир эмас, даромад ҳам шунга яраша – камроқ. Ана шундай шароитда бозорда ўз-ўзини ҳимоя қилиш тариқасида пинҳона хабар етказиш, чақимчилик қилиш ўринли эмасмикин?**

– Ўрни келса, бунга йўл қўйиш мумкин, деб ўйлайман.

**– Аммо ҳад-чегараси борми ўзи унинг?**

– Очиғини айтганда, билмайман. Баъзида, хўжалик юритувчи субъект ўз ҳуқуқлари ҳимоя этилишини сўраб хўжалик судига очиқ мурожаат этган пайтда ҳам бизнинг ҳуқуқий тизим уни ҳамиша ҳам рисоладагидек ҳимоя эта олади деб айтолмайман. Жавобгарликдан ўзини олиб қочишнинг усуллари кўп, суд ижрочилари ҳам талаб даражасида ишламаётирлар. Суд хўжалик низосини кўраётганда жиноят белгиларини аниқлагудек бўлса, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни ўзи қабул қилиши керак. Лекин бу нарса ҳам амалиётда йўқ ҳисоб. Кўпроқ бошқача усулларни қўлланишга тўғри келади.

**– Шундай мамлакатлар борки, уларда чақимчилик, хабар етказиш моддий жиҳатдан рағбатлантирилади, хусусан солиқ солишдан яширилган сумма аниқланган бўлса, шу сумманинг муайян фоизи тўланади. Бизда расман бундай қоида йўқ. Қоидабузар эпини қилиб сувдан қуруқ чиқса ва жавобгарликдан қутулиб қолса, калтак арзгўйнинг бошида синиши мумкин. Зотан унинг мурожаати жиноий жазо билан жазоланадиган туҳмат тариқасида таърифланиши ҳам мумкин...**

– Баъзан шундай ҳам бўладики, органлар айбдорни топа олмайдилар. Қарабсизки, хабар етказган одамнинг ўзи «муттаҳам»-га чиқиб қолади. Шундан бўлса керак, ўз қадрини биладиган эркак кишининг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари билан унча-мунчага ҳамкорлик қилишга рағбати бўлмайди. Умуман бундай иш, юмшоқроқ қилиб айтганда, эркакларга хос эмас деб қаралади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, арз қилувчи шахсан унинг ўзига дахлдор, унинг ҳуқуқини бузаётган, унга зарар келтираётган нарса ҳақида хабар қилади. Масалан, бир одам кутилмаганда унинг жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварағига пул ўтказилмаётганини билиб қолади, дейлик. Мен бунақа нарсалар прокуратура аралашувисиз, тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдориман. Солиққа оид жиноятлар эса ён атрофдаги одамларга одатда тўғридан-тўғри ва сезиларли зарар етказмайди. Бунинг устига аҳолининг аксарият қисми давлат манфаатлари учун ўз манфаатларидек жон куйдирмайдилар. Хаёлпарастликка берилмай, соғлом ақл-идрок измида иш тутилган тақдирда ҳам бошқача ғоя, майл ва истаклар аралашгач, яхши маънодаги хабар етказиш, чақимчилик ҳам қадрсизланади, кўпчиликда ҳам яхши таассурот уйғотмайди.



## ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ ЧИҚАДИ

**Тадбиркор М.:**

– Фақатгина майда компаниялар гап ташиш, чақимчиликдан рақобатлашув воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Бугунги кунда юридик жиҳатдан етарли асослар бўлмай туриб, бизнес соҳасидаги одамни текшириш мушкул. Шу сабабли чақимчилик, гап ташиш йирик компанияларга унчалик дахл эта олмайди. Майда компаниялар эса катта айланмага эга эмас ва бозорга уларнинг таъсири айтарли катта эмас.

**Ҳалол ва ноҳалол рақобат муаммоси, чақимчилик, гап ташишнинг бу ишдаги роли нисбий ҳисобланади. Гап шундаки, одам расмий равишда, очиқ-ошкора ишлаётган экан, унда муаммо бўлмайди ҳисоб.**

**– Шахсан сиз органлар билан шундай ҳамкорлик қилган бўлармидингиз? Қандай вазиятларда бунга журъатингиз етарди?**

– Бунга заруратим йўқ. Очиқ-ошкора ишлаётган бўлсанг, ҳамиша ҳақ эканлигингни исботлай оласан. Қинғир ишга қўл урган одам, эртами-кечми, фош бўлади. Унинг устидан хабар қилишга ҳам ҳожат йўқ. Масалан, бозорнинг бизнинг соҳага оид жабҳасида мен билан рақобат майдонига тушганларнинг аксарияти маърифатли, билимдон ўйинчилар бўлмаса-да мен прокуратура ёрдамида уларнинг йўлини тўсмоқчи эмасман, бу нарса хаёлимга ҳам келмайди. Уларнинг қўли ҳамиша ҳам баланд келавермайди, муаммолари эса тиқилиб ётибди. Тез-тез куйиб қолишлари ҳам шундан.

**Давлат гап ташиш, чақимчиликдан манфаатдор деб ўйламайман. Бозорда иштирокчилар маърифатли, ҳокимият ваколатига эга бўлган тузилмалар эса пулга учмайдиган бўлиши керак. Агар назорат қилувчи органнинг баъзи нопок ходимлари ноҳалол бизнесчиларни текшираётган бўлса, ҳар қандай ҳолда ҳам пул бюджетга бориб тушмайди, бошқа чўнтаклардан жойини топади.**

*[3]«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси.*
*[4]«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси.*

**нарса «яхши иқтисодий сиёсат»га нисбатан жамият ривожига икки баравар кучлироқ таъсир этар экан! Ёмон иқтисодий сиёсатга эга бўлган, аммо оддий, аниқ-пухта қоидалар тизимига асосланган мамлакат ҳукумати бағоят оқил иқтисодий сиёсат олиб бораётган мамлакатга нисбатан анчагина яхшироқ ривожланар экан.**

**Тадқиқотнинг кўрсатишича, қонунлар қанчалик яхши, тўғри, оқил бўлмасин, муайян давлатда уларнинг шу мамлакатда амал қилиб турган «ошкор қилинмаган ички қоидалари»га зид бўлмаган қисмигина ишлайди.**

Жамият қонун асосида яшаши керак ва бу рисоладагидек таомил саналади. Қонунлар ижтимоий воқеликни, хусусан ишбилармонлик муҳитининг ошкор этилмаган қоидаларини инобатга олиши кераклиги эса бутунлай бошқа бир гап. Уларнинг бири иккинчисини тўлдириши ва ўзаро бир-бирини ривожлантириши бағоят мақбул ишдир. Ҳар қалай, улар бир-бирига зид бўлмаслиги керак.

**«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек бошқа ҳар қандай ахборотлар, агар булар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни суриштириб билишга йўл қўйилмайди. Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.**

**Бошқа жиҳатдан олганда, хабарни айни ким ёзганлиги тўғрисидаги ахборот мазкур хабар кимнинг устидан берилган бўлса, шу шахс учун ёпиқ, махфий ҳисобланмайди. Негаки, мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт[4]. Хабар етказган шахснинг аризаси эса айни шундай ҳужжат саналади. Шу сабабли ҳам Қонуннинг 13-моддасидаги норманинг олижаноб мазмун ва моҳияти аризада кўрсатилган ҳолатларни текширишга киришилгани ҳамони ўз-ўзидан аҳамиятини йўқотади.**

Қонуннинг 14-моддасида қатъий қилиб ёзилганидек, «Фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади». Шундан келиб чиқиб, ўзларининг фуқаролик бурчини амалга ошириш мақсадида давлат органларига мурожаат этаётган фуқаролар учун ҳам давлат худди шундай кафолатларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиши керак. Негаки, бошқа фуқароларнинг солиққа оид жиноятлари хабар етказувчининг шахсий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари билан жилла пайваста эмас.

Судьяларнинг ва суд процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибида мазкур шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз таҳдиди бўлган тақдирда, ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган бир қанча чора-тадбирлар, хусусан ҳимоя этилаётган шахсга оид маълумотлардан эркин фойдаланишни чеклаш, шахсий қўриқлов, шунингдек уй-жой ва мол-мулкни қўриқлаш назарда тутилган. Зарурат бўлганда суд жараёнлари иштирокчиларига ёнғинга қарши ва қўриқлов сигнал воситалари ўрнатилади, телефон рақамлари, фойдаланаётган транспортларидаги давлат белгилари ўзгартирилиши мумкин. Ҳимоя этилаётган шахслар ва уларнинг яқин қариндошларига реал таҳдид мавжудлиги ана шу ва бошқа хавфсизлик чораларини қўллашга асос бўлади. Суд процесслари иштирокчиларининг, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини ишни кўраётган суд томонидан қабул қилинади. Бунда уларнинг таҳдид солаётган хавф тўғрисидаги, бу хавфнинг эҳтимол тутилаётган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатлари тўғрисидаги оғзаки (ёзма) аризалари ёхуд суднинг ташаббуси асос бўлади. **Хабар етказган шахс эса суд процесси бошлангунга қадар процесс иштирокчиси эмаслиги сабабли бундай ҳимояга даъво қилолмайди.** Ана шу масаланинг ечимини топиш иқтисодий жиноятларнинг фош этилиши даражасини яхшилаган бўлур эди.

Гап ташиш, яхши маънодаги чақимчилик институти ўрнига ривожланган, маърифатли жамият учун янада мақбулроқ, муқобилроқ усул топилса, соз бўларди. Ҳар қандай ақли салим одам жамиятнинг ҳуқуқий онги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари саъй-ҳаракати билангина мустаҳкамланиб қолмаслигини яхши билади. Бизнес соҳаси, агар уни қонун доирасида фақат давлат назорати билан жиловлаб турилган бўлса, кенг қанот ёйиши даргумон. Бошқа жиҳатдан қараганда, фаол фуқаролик позицияси нуқтаи назаридан бизда гап ташиш, чақимчилик, орқаваротдан хабар қилишнинг битта ҳам тузукроқ, ижобий таърифи йўқ.

*Юлия ЯШИНА,*
*махсус мухбиримиз.*

*Халқаро битимлар*

# ЭҲТИЁЖСИЗ МЕНГА

## БЕГОНАЛАР ОРАСИДА ЎЗИНИКИ ВА ЎЗИНИКИЛАР ОРАСИДА БЕГОНА. ХАЛҚАРО БИТИМЛАР МЕЪЁРЛАРИ АСОСИДА ЖИСМОНИЙ

***Ташқи иқтисодий муносабатлар амалиёти миллий солиқ қонунчилиги ҳар доим ҳам халқаро операциялар билан боғлиқ саволларга жавоб беришга қодир бўлавермаслигини кўрсатади. Солиқ солиш билан боғлиқ жиддий низоли вазиятлар тез-тез юзага келмоқда. Турли давлатларда битта солиқ солиш базаси асосида биргина солиқ тўловчилардан қиёслама солиқлар ундирилиши туфайли даромадларга икки тарафлама солиқ солинмоқда. Маълумки, жаҳон амалиётида халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқдан устувор туради, Ўзбекистон ҳам шу жиҳатдан истисно эмас.***

***Солиқ кодексининг 4-моддасига кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.***

***Биз газетхонларни ушбу шартномаларда назарда тутилган асосий қоидалар билан таништириб, улар амалиётда қандай ишлаётгани тўғрисида маълумот бермоқчимиз. Аввалига битимларда қандай солиқлар қамраб олинганини эслатиб ўтамиз.***



## МАСАЛАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Икки тарафлама солиқ солиш инвестиция оқимларига, технологияларни тақдим этишга нохуш таъсир кўрсатади, солиқ юкини адолатсиз тақсимлаш тўғрисида мунозараларни юзага келтиради. Ушбу муаммоларни ҳал этиш ва солиққа оид ўзаро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш учун амалда дунёдаги барча давлатлар, шу жумладан республикамиз ҳам, ўзаро икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида битим тузадилар.

Ушбу масалани кўриб чиқишда шуни назарда тутиш лозимки, ҳозир амал қилаётган барча битимлар фақат даромад ва **капиталдан** олинадиган солиқларни, яъни даромадларнинг умумий суммасидан, **капитал** ёки унинг алоҳида элементларининг **умумий суммасидан** ундириладиган солиқларни, шу жумладан кўчар ёки кўчмас мулкни бошқа шахсга беришдан даромадларга, корхоналар тўлайдиган иш ҳақи ёки маошнинг умумий суммасига, шунингдек капитал ўсишидан даромадларга солинадиган солиқларни қамраб олади. Бунда уларни қайси ҳокимият органлари (давлат, давлатнинг сиёсий-маъмурий бўлинмалари ёки маҳаллий органлар) ундириши аҳамиятга эга эмас. Солиқларни йиғиш усули – манбада ёки қўшимча солиқлар воситасида ушланиши ҳам аҳамиятсиз.

Ўзбекистонда амал қиладиган битимлар юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларни қамраб олади. Улар билвосита солиқларга ҳеч ҳам алоқадор эмас. Солиқ кодексининг 4-моддасида назарда тутилишича, агар республикамиз имзолаган халқаро шартномада Солиқ кодексидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади. Шуни назарда тутиш зарурки, ушбу қоидани аввало Ўзбекистон корхонаси:

– бундай шартномалар тузилган давлатлардан келиб чиқадиган чет эллик юридик шахсларга даромад тўлаганда;

– ўзи бундай шартномалар тузилган давлатлар ҳудудида жойлашган манбалардан даромад олганда ҳисобга олиш керак.

Икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида битимлар тузилаётганида ҳар бир давлат (шу жумладан Ўзбекистон) ўз манфаатларидан келиб чиқади. Бироқ мазкур масалага баъзи умумий ёндашувлар мавжуд. Уларга асосланиб Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) солиқ конвенциясининг дастлабки намунавий моделини ишлаб чиқди, Ўзбекистон хорижий давлатлар билан солиққа оид битимларнинг аксариятини тузаётганда ундан фойдаланади. Шуни таъкидлаш лозимки, турли давлатлар билан тузилган битимларда ёндашувлар умумий бўлишига қарамай, уларнинг мазмуни фарқ қилади *(ИҲРТ бўйича битимларда «Ўзаро боғлиқ шахсий хизматлар» деган алоҳида модда ушбу масалага бағишланган –* ***муаллиф изоҳи)***. Икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги халқаро битимларнинг қоидаларидан фойдаланилганда учта асосий қоидага амал қилиш керак:



– ҳар бир битимда у татбиқ этиладиган солиқ турлари аниқ қилиб таъкидланиши;

– ҳар бир битимда даромадларнинг ҳар бир турига солиқ солиш тартиби аниқ қилиб таъкидланиши;

– Ўзбекистонда солиқ амалиётида халқаро битимлар қоидаларини қўллаш механизми мавжуд.

## БИРИНЧИ ҚАДАМ: РЕЗИДЕНТЛИКНИ БЕЛГИЛАШ



Икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги халқаро битимлар амалиётда қандай қўлланишини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Уларнинг қоидаларини қўллаётганда биринчи навбатда жисмоний шахснинг резидентлигини белгилаш зарур. Бу «аҳдлашувчи давлат резиденти» атамасининг маъносини белгилаш ва икки тарафлама резидентлик ҳолларини ҳал этиш учун зарурдир.

Вазиятни Австрия билан Битим* мисолида кўриб чиқамиз. Унга кўра «Аҳдлашувчи давлат резиденти» атамаси ушбу давлат қонун ҳужжатларига кўра ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиш жойи, бошқариш жойи ёки исталган бошқа шу сингари мезонга асосан бу ерда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни англатади. Шу тариқа, жисмоний шахс ўз тасарруфида доимий уй-жойга эга бўлган давлатга афзаллик берилади. Бошқа давлатда вақтинча яшаш иккинчи даражали ҳолат ҳисобланади. Шуни аниқлаштириш лозимки, аҳдлашувчи давлатнинг резиденти бўлиб фақат ушбу давлатдаги манбалардан оладиган даромадига нисбатан ёки у ерда жойлашган мол-мулкига нисбатан ушбу давлатда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахс ҳисобланмайди.

Агар жисмоний шахс иккала аҳдлашувчи давлатнинг резиденти ҳисобланса, унинг мақоми қуйидагича белгиланади:

а) жисмоний шахс ўзи учун фойдаланиш мумкин бўлган доимий уй-жойга (ўзига қарашли ёки ижарага олинган уй ёки квартирага; вақти-вақти билан сайёҳлик, хизмат сафари, таълим олиш, даволаниш мақсадида бўлиш учун эмас) эга бўлган давлатнинггина резиденти деб ҳисобланади. Агар у иккала давлатда ўзи учун фойдалана оладиган доимий уй-жойга эга бўлса, энг чамбарчас шахсий ва иқтисодий алоқаларга эга бўлган давлатнинггина резиденти ҳисобланади *(бу ерда «ҳаётий манфаатлар маркази» сингари тушунчадан фойдаланилади, уни таърифлаш учун навбатма-навбат унинг оилавий ва ижтимоий алоқалари, сўнгра унинг машғулотлари, сиёсий, маданий ва бошқа хил фаолияти, бизнес қилиш жойи, ўз мулкини бошқарадиган жой ва ҳоказоларни кўриб чиқиш зарур –* ***муаллиф изоҳи)***;

б) агар шахс ҳаётий манфаатлар марказига эга бўлган давлатни белгилаб бўлмаса ёки бирорта давлатда ҳам ўзи учун фойдалана оладиган доимий уй-жойга эга бўлмаса (мисол учун, бир меҳмонхонадан бошқасига кўчиб юрса), одатда бўладиган (одатда яшайдиган) давлатнинггина резиденти ҳисобланади;

в) агар шахс одатда иккала давлатда яшаса ёки одатда уларнинг бирортасида ҳам яшамаса, ўзи миллий шахси (фуқароси) ҳисобланган давлатнинггина резиденти ҳисобланади;

г) агар шахс иккала давлатнинг миллий шахси (фуқароси) ҳисобланса ёки бирортасининг ҳам миллий шахси (фуқароси) ҳисобланмаса, аҳдлашувчи давлатларнинг ваколатли органлари мазкур масалани ўзаро келишув бўйича ҳал қилишлари керак.

*Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қуйидагилар эътироф этилади:*

*– Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс;*

*– Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида якунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс.*



*Чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидагилар сифатида турган даври унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда турган вақтига киритилмайди:*

*1) дипломатик ёки консуллик мақомига эга бўлган шахс сифатида;*

*2) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида;*

*3) ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзоси сифатида, бундай жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда;*

*4) фақат бир чет давлатдан бошқа чет давлатга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш (транзит ўтиш) учун;*

*5) агар бу жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида фақат турист сифатида, даволаниш ёки дам олиш мақсадлари билан турган бўлса.*

*Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган мезонларга жавоб бермайдиган шахс* ***Ўзбекистон Республикасининг норезиденти деб эътироф этилади.***

***(СКнинг «Резидентлар ва норезидентлар» 19-моддаси).***

** Икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулк солиқларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Австрия Республикаси ўртасида 2000 йил 14 июнда тузилган конвенция (Олий Мажлиснинг 2000 йил 31 августдаги 129-II-сон қарори билан ратификация қилинган, 2001 йил 1 августдан кучга кирган).*

*** Икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулк солиқларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида 2000 йил 2 мартда тузилган битим (Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 мартдаги 113-сон қарори билан тасдиқланган, 2001 йил 15 январдан кучга кирган).*

**** Даромад ва капиталга икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Швейцария Федерал Кенгаши ўртасида 2002 йил 3 апрелда тузилган битимнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 майдаги 183-сон қарори билан тасдиқланган, 2003 йил 15 августдан кучга кирган) 15-«Ўзаро боғлиқ шахсий хизматлар» моддаси 1-банди.*

***** Икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик ва даромад солиқларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1996 йил 3 июлда тузилган битим (1996 йил 3 июлдан кучга кирган) 15-моддасининг 1-банди.*

****** Икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик ва даромад солиқларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Финляндия Республикаси ўртасида 1998 йил 9 апрелда тузилган битим (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 майдаги 208-сон қарори билан тасдиқланган, 1999 йил 7 февралдан кучга кирган) 4-моддасининг 2-банди.*

******* Даромадларга икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркия Республикаси ҳукумати ўртасида 1996 йил 8 майда тузилган битим (Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 15 июлдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган, 1997 йил 30 сентябрдан кучга кирган) 5-моддаси 2-бандининг «g» кичик банди.*

# СОЛИҚ СОЛМАНГ

## ИККИ ТАРАФЛАМА СОЛИҚ СОЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ТЎҒРИСИДА ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.*

**(СКнинг «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар» 4-моддаси)**

## ИККИНЧИ ҚАДАМ: БИТИМ БАНДЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ

Жисмоний шахснинг резидентлиги белгиланганидан кейин ёлланиб ишлашдан олинган даромадларга солиқ солишга доир битим қоидаларини кўриб чиқамиз. Битим 15-моддасининг 1-бандида шундай қоида назарда тутилади: «...бир аҳдлашувчи давлатнинг резиденти томонидан ёлланиб ишлаш бўйича оладиган маоши, иш ҳақи ва бошқа шу каби ҳақларига, агар ёлланиб ишлаш бошқа аҳдлашувчи давлатда амалга оширилмаса, фақат ўша давлатда солиқ солинади. Агар ёлланиб ишлаш шу тариқа амалга оширилса, шу муносабат билан олинган ҳақ ана шу бошқа давлатда солиққа тортилиши мумкин». Яъни бир аҳдлашувчи давлатнинг резиденти ёлланиб ишлашдан оладиган даромадлари бошқа аҳдлашувчи давлатда, фақат иш унда бажарилса, солиққа тортилиши мумкин.

Битимнинг кўрсатилган қоидаси амалда шуни англатадики, ходим – Ўзбекистон Республикаси битим тузган хорижий давлат резиденти бошқа мамлакатда иш бажараётган бўлса, у ёлланиб ишлашдан оладиган ҳақ Ўзбекистонда солиққа тортилмайди. Битимнинг мазкур қоидаси бир неча вариантни назарда тутиши мумкин. Уларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

**Хорижий давлат резиденти томонидан унинг ушбу хорижий давлатда ёлланиб ишлаш натижасида олинган даромадлари Ўзбекистон Республикасида солиқ солишдан озод қилинади.**

**Мисол:** *Чехия фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган Швейцария ташкилоти доимий ваколатхонасининг ходими ҳисобланади ва Ўзбекистонда бир йилда қарийб икки ой бўлади, қолган вақтда эса шартнома бўйича Чехияда ишлайди. Жисмоний шахс Чехияда бўлган давр учун унга хориждаги иши муносабати билан иш ҳақи тўланади.*

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Чехия Республикаси ҳукумати ўртасидаги Битим** 15-моддасининг 1-бандига мувофиқ доимий бўлиш жойи Чехия Республикаси бўлган шахс томонидан ёлланиб ишлаш бўйича олинадиган иш ҳақи ва бошқа шу сингари ҳақлар, фақат ишлар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилмаса, Чехия Республикасидагина солиққа тортилади. Шу тариқа, агар тузилган меҳнат шартномасига кўра Чехия фуқароси чех ташкилотида ишласа ва Чехия ҳудудида ишлашдан даромад олса, ушбу даромадлар Чехияда тўлиқ ҳажмда солиққа тортилади.

**Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан унинг чет элда ёлланиб ишлаши натижасида олинган даромадлар хорижда тўланган солиқ суммасини Ўзбекистон Республикасида тўланадиган солиқ суммасидан чегириш воситасида Ўзбекистон Республикасида солиқ солишдан озод қилинади.**

**Мисол.** *Швейцария фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган Швейцария ташкилоти доимий ваколатхонасининг ходими ҳисобланади ва республикамизда молия йилининг ўн икки ойи мобайнида жами 183 кундан ортиқ вақт бўлади. Айни вақтда у Швейцарияда жойлашган бўлинманинг бошқарувчиси сифатида шартнома бўйича ишлайди. Шартнома 3 йил муддатга тузилган эди. Жисмоний шахснинг Швейцарияда бўлган даври мобайнида унга Швейцария фирмасидан унинг хорижда ишлаши муносабати билан иш ҳақи тўланади.*

Мазкур ҳолда Солиқ кодексининг 19-моддасига мувофиқ Швейцария фуқароси Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади, чунки амалда мамлакатимизда молия йилининг ўн икки ойи мобайнида 183 кундан ортиқ вақт бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Швейцария Федерал Кенгаши ўртасидаги даромад ва капиталга икки тарафлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимнинг*** 15-моддасига мувофиқ бир аҳдлашувчи давлатнинг резиденти томонидан ёлланиб ишлаш бўйича олинадиган ҳақлар, ёлланиб ишлаш бошқа аҳдлашувчи давлатда амалга оширилмаса, фақат ушбу давлатда солиққа тортилади. Агар ёлланиб ишлаш охирги ҳолат бўйича амалга оширилса, шу муносабат билан олинган ҳақ ушбу бошқа давлатда, яъни Швейцарияда солиққа тортилиши мумкин.

Бироқ республикамизнинг солиқ қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистондан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар Ўзбекистон Республикасида солиққа тортилиши керак. Икки тарафлама солиқ солиш мазкур Битимнинг 23-моддасига мувофиқ бартараф этилади. Унда шундай дейилган: «Агар Ўзбекистон Республикаси резиденти мазкур Битим қоидаларига мувофиқ Швейцарияда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса, бундай даромадга Швейцарияда тўланган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасида ундириладиган солиқдан чегирилади. Бироқ бундай чегириш Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисобланган бундай даромадга доир солиқ суммасидан ошмаслиги керак».

**Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаши натижасида олинган даромадлар Ўзбекистон Республикасида солиққа тортилиши керак.**

**Мисол.** *Хитой ташкилоти Ўзбекистондаги ўз ваколатхонасини рўйхатдан ўтказди. Унинг ходимлари, Хитой фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида календарь йилда 183 кундан ортиқ бўладилар ва ваколатхонада ишлаганлик учун иш ҳақи оладилар. Уларга иш ҳақи тўлаш бўйича пул маблағлари Хитойдан ваколатхона ҳисобрақамига ўтказилади.*

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги битим**** 15-моддасининг 1-бандига мувофиқ, бир аҳдлашувчи давлатнинг резиденти томонидан ёлланиб ишлаш бўйича олинадиган иш ҳақи ва бошқа шу каби ҳақлар, агар ёлланиб ишлаш бошқа аҳдлашувчи давлатда амалга оширилмаса, фақат ушбу аҳдлашувчи давлатда солиққа тортилади. Мазкур вазиятда Хитой фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлайдилар ва Солиқ кодексининг 19-моддасига мувофиқ бизнинг резидентларимиз деб эътироф этиладилар. Шу сабабли уларнинг ёлланиб ишлашдан олинган даромадларига республикамизда солиқ солиниши керак.

### НОРЕЗИДЕНТНИНГ ДОИМИЙ МУАССАСАСИ

*Норезидент томонидан республикамиз ҳудудида олинадиган даромад битим доирасида солиққа тортилиши масаласи кўриб чиқилаётганида норезидентнинг бу ерда доимий муассасаси мавжудлиги асосий омил ҳисобланади.*

*Битимлар нуқтаи назаридан* ***чет эллик юридик шахснинг*** *республикамиздаги* ***доимий муассасаси*** *(ёки Ўзбекистон юридик шахсининг хориждаги доимий муассасаси) деганда одатда юридик шахснинг тижорат фаолияти тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган бошқа давлатдаги доимий фаолият юритадиган жойи тушунилади. Агар чет эллик юридик шахс қурилиш ишларини амалга ошираётган, объектларни монтаж қилаётган ёки йиғаётган бўлса, битимларда бундай ишларнинг давом этиш вақтига махсус тест қўлланилади, у мазкур ҳолда доимий муассасанинг бор-йўқлигини белгилаш имконини беради.*

*ИҲРТ моделига шарҳларга кўра тижорат фаолияти албатта ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлиши шарт эмаслигига, бироқ операциялар мунтазам тусда бўлиши кераклигига эътиборни қаратамиз. Фаолият жойи ҳам вақтинча тусда бўлмасдан муайян даражасида доимий бўлиши керак. Бунда даромаднинг доимий манбаи бўлиши, яъни норезидент резидентимиз учун хизматлар кўрсатиш, ишлар бажаришдан мунтазам даромад олиши шарт.*

***«Доимий муассаса»*** *ибораси шунингдек бошқариш жойи: филиал, офис, фабрика, устахона, шахта, нефть ёки газ қудуғи, карьер ёки табиий ресурслар қазиб олинадиган исталган бошқа жойни ўз ичига олади. Битимлар мазкур атаманинг ўз таърифини бериши мумкин.*

*Шу билан бирга «****доимий муассаса****» тушунчаси соф «солиқ тушунчаси» бўлиб, маъмурий-ҳуқуқий маънога эга эмас, чунки доимий муассаса мустақил юридик шахс ролида чиқмайди, у фақат солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан бош офис билан биргаликда ягона юридик шахс ҳисобланади, бундай қонунчилик унга мустақил солиқ тўловчи сифатида қарайди (яъни хорижий давлат ҳудудида бундай доимий муассасалар фақат солиқ солиш мақсадида рўйхатдан ўтказилади).*

## УЧИНЧИ ҚАДАМ: АЛОҲИДА ШАРТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Битим 15-моддасининг 2-бандидан келиб чиқишича, «1-банд қоидаларига қарамай, бир аҳдлашувчи давлат резиденти томонидан бошқа аҳдлашувчи давлатда амалга ошириладиган ёлланиб ишлаш бўйича олинадиган ҳақ, агар қуйидаги шарт-шароит мавжуд бўлса, биринчи тилга олинган давлатдагина солиққа тортилади:



а) ҳақ олувчи бошқа давлатда кўриб чиқилаётган календарь йилда бошланадиган ёки тугалланадиган ҳар қандай кўриладиган ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида бўлса;

б) ҳақ бошқа давлатнинг резиденти ҳисобланмайдиган ёлловчи томонидан ёки ёлловчи номидан тўланса;

в) ёлловчи бошқа давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база ҳақ тўлаш харажатларини қилмаса».

Бунинг маъноси шуки, аҳдлашувчи давлат резиденти томонидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган ёлланиб ишлаш бўйича олинадиган ҳақ, агар юқорида санаб ўтилган уч шартнинг ҳаммаси бажарилса, фақат бошқа аҳдлашувчи давлатда солиққа тортилади. Агар улардан лоақал биттаси бажарилмаса, ишлар бажариладиган мамлакатда солиқ солинади.

**Мисол.** *Финляндия фуқароси одатда ўз уйи бўлган Финляндияда яшайди ва ишлайди. Ҳисобот йилида у ҳудудида 183 кундан кўп вақт бўлган Ўзбекистон Республикасида жойлашган фин ташкилоти ваколатхонасида ишлашдан даромад олган. Шу муносабат билан у Солиқ кодексининг 19-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилади. Бунда Финляндия ҳам уни ўзининг солиқ резиденти сифатида билади, чунки ушбу мамлакатнинг солиқ қонунчилигига мувофиқ унинг солиқ резиденти ҳисобланган жисмоний шахс Финляндиядан чиқиб кетганидан сўнг уч йил мобайнида шундай резидент бўлиб қолаверади.*

Мазкур ҳолда Финляндия фуқароси Финляндиянинг солиқ резиденти деб эътироф этилади, чунки ушбу мамлакатда уйи бор, яъни Ўзбекистон Республикаси билан Финляндия Республикаси ўртасидаги Битимнинг***** 4-моддасига мувофиқ у ерда доимий уй-жойга эга. 2-банднинг иккита шарти бажарилмаётганлиги боис (Финляндия фуқароси Ўзбекистонда 183 кундан ортиқ вақт бўлган ва Ўзбекистон Республикасида доимий бўладиган шахс ҳисобланган ваколатхонадан иш ҳақи олади) унинг даромадларига Ўзбекистонда солиқ солинади.

Битим 15-моддасининг 3-бандидан келиб чиқадики, «1 ва 2-бандларнинг қоидаларига қарамай, аҳдлашувчи давлат корхонаси томонидан халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида амалга ошириладиган ёлланиб ишлаш бўйича олинадиган ҳақлар ушбу давлатда солиққа тортилиши мумкин». Яъни агар халқаро ташишлар амалга оширилаётган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида ёлланиб ишланиладиган бўлса, резиденти транспорт эгаси бўлган давлатда солиқ солинади.

## ҚУРУВЧИ ГАСТАРБАЙТЕРЛАР ҚАНДАЙ СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркия Республикаси ҳукумати ўртасидаги Битимга****** кўра мамлакатимизда хорижий давлат резидентининг фаолияти Ўзбекистонда доимий ваколатхона барпо этилишига олиб келмайдиган қурилиш майдончасида Ўзбекистон Республикасидаги иш учун олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади.



**Мисол.** *Турк юридик шахсининг ваколатхонаси Ўзбекистонда 5 ой мобайнида қурилиш ишларини олиб боради. Уларда Туркия фуқаролари банд бўлиб, улар Ўзбекистонга уч ойдан ошмайдиган муддатга келадилар. Мамлакатимиздаги иш учун ишчилар иш ҳақини хорижий ташкилотнинг Туркиядаги офисидан оладилар. Туркия қонунчилигига мувофиқ улар Туркиянинг солиқ резидентлари деб эътироф этиладилар.*

Юқорида кўрсатилган Битимнинг 5-моддасида назарда тутилишича, қурилиш майдончаси, агар қурилиш ишларининг давом этиши 36 ойдан ошиб кетса, доимий муассаса деб ҳисобланади. Мазкур қурилиш майдончасининг мавжуд бўлиши амалдаги муддати ушбу муддатдан ошмаганлиги ва қурувчилар республикамизда бор-йўғи уч ой бўлганлиги сабабли, Туркия фуқаролари томонидан олинган иш ҳақи ва бошқа даромадлари Ўзбекистон Республикасида солиқ солинмайди. Агар қурилиш майдончасининг амалда мавжуд бўлиш муддати 36 ойдан ошса, Битимга мувофиқ у доимий муассаса ҳисобланади ва, бинобарин, қурилишда ишлаётган Туркия фуқароларининг даромадларига Ўзбекистон Республикасида солиқ солинади.

**Очил ГАНИЕВ.**

Бизнес
# Панорама
РЕКЛАМА & АХБОРОТ

«Норма маслаҳатчи» 7 (136)-сон
2008 йил 15 февраль

"ART-FLEX" МЧЖ
ҲАММАСИ ОФИС УЧУН
Тўлов исталган шаклда
- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ КУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
- ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597

ҚУРИЛГАН
МЕБЕЛЬ
БУЮРТМАГА
Ошхона
Купе шкафлар
Исталган
ОФИС УЧУН...
109-09-27, 128-28-07

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ КИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

ARHAT graphics
Дизайндан тайёр клишегача тайёрлаш бизнинг ишимиз!

Паст нархлар, юқори сифат!
- Флексограф босма учун полимер қолиплар (босма клише) тайёрлаш
- Фотопленкаларни чиқариш
- Дизайн ишлаб чиқиш
- Флексограф босма учун файлга босмагача ишлов бериш

хизматлар лицензияланган
E-mail: cmyk@arhat-group.com
www.arhat-group.com
Тел./факс: (99871) 144 07 04, 144 84 83, 142 70 50, 142 79 13.

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли
SANAY Co.Ltd
К А Ф Е Л Ь
сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40
Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз
Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
Тошкентдаги омбордан сотилади
Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 169-44-66, факс 169-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

"Панорама. Товарлар ва хизматлар" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди.
Тел.: 144-02-01, 144-02-40.

CIPA

CERTIFIED INTERNATIONAL PROFESSIONAL ACCOUNTANT
СЕРТИФИКАТЛАНГАН ХАЛҚАРО МАЛАКАЛИ БУХГАЛТЕР

## АУДИТОРЛАР ВА БУХГАЛТЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## МАЛАКА ИМТИҲОНЛАРИ ЖАДВАЛИ

**Сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар Евросиё кенгаши ва "CIPAEN UZ" МЧЖ тимсолидаги CIPA имтиҳон тармоғи "Сертификатланган амалиётчи бухгалтер (CAP)" малакасини олишга номзодлар учун ИМТИҲОНЛАР ЎТКАЗАДИ:**

| Бошқарув ҳисоби – 1 | Солиқлар ва ҳуқуқ | Молия ҳисоби – 1 |
|---|---|---|
| **2008 йил 14 март** *Пайшанба* | **2008 йил 15 март** *Жума* | **2008 йил 16 март** *Шанба* |

Имтиҳонда қатнашиш учун тўлов миқдори – 50 000 сўм.

**Минтақалардаги имтиҳонлар сессияга рўйхатга олинганлар миқдори етарлича бўлгандагина (камида 35 киши) ўтказилади.**

**Рўйхатдан ўтиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:**

**Андижон**
Навоий шоҳкўчаси, 87
Тел. (8-374) 222-30-88
Фурқат Ҳусанов

**Бухоро**
Мўминов кўч., 2, 104-хона
Тел. (8-365) 223-86-40
Сайфулло Ҳайитов

**Гулистон**
Халқлар дўстлиги кўч., 30
Тел. (8-3672) 25-47-97
Тошпўлатова Каромат

**Тошкент**
БАМУ – Мавлонов кўч., 1-А
Тел. (8-371) 234-18-90
Замира Қодирова

**Жиззах**
Ш.Рашидов кўч., 128а
Тел. (8-372) 222-45-68
Алишер Мирзалиев

**Қарши**
Мустақиллик майдони, 2
Тел. (8-375) 221-01-07
Зебо Эргашева

**Навоий**
Решетник кўч., 8-а
Тел. (8-4362) 25-43-87
Абдулло Ҳамроев

**Тошкент**
АП-Носиров кўч., 16, 4-тор кўча
Тел. (8-371) 234-81-99
Мария Шарипова

**Наманган**
Ҳуррият кўч., 22
Тел. (8-369) 226-62-83
Адҳам Қозоқбоев

**Нукус**
Амир Темур кўч., 120
Тел. (8-361) 222-48-27
Қаллибек Абдураҳмонов

**Самарқанд**
А.Темур кўч., 9
Тел. (8-3662) 33-64-79
Райҳона Бахронова

**Тошкент**
**"CIPAEN UZ" МЧЖ –**
Амир Темур кўч., 107-а
Тел. (8-371) 138-90-25 (26)
Умида Юсупова

**Термиз**
М.Қошғарий кўч., 42
Тел. (8-376) 227-52-40
Хуррам Норқобилов

**Фарғона**
М.Қосимов кўч., 147/14
Тел. (8-373) 224-80-13
Зулхумор Болтабоева

**Урганч**
Гурлан кўч., 2а
Тел. (8-362) 518-32-90
Умарбек Жабборов

**Рўйхатдан ўтиш учун рўйхатга олиш карточкаси бланкасини тўлдириш, имтиҳонда қатнашиш учун ҳақ тўланганлиги тасдиғи, паспорт ксеронусхаси ва жорий календарь йил давомида олинган 3х4 ўлчамли фотосуратни тақдим этиш зарур**

**2008 ЙИЛНИНГ ЁЗГИ ВА КУЗГИ СЕССИЯЛАРИ ЖАДВАЛИ**

| Ой | Сана | CAP даражаси | CIPA даражаси |
|---|---|---|---|
| Июнь | 27.06.2008<br>28.06.2008<br>29.06.2008<br>30.06.2008 | Бошқарув ҳисоби - 1<br>Солиқлар ва ҳуқуқ<br>Молия ҳисоби – 1 | Аудит<br>Молиявий менежмент<br>Бошқарув ҳисоби – 2<br>Молия ҳисоби - 2 |
| Ноябрь | 14.11.2008<br>15.11.2008<br>16.11.2008<br>17.11.2008 | Бошқарув ҳисоби – 1<br>Солиқлар ва ҳуқуқ<br>Молия ҳисоби – 1 | Аудит<br>Молиявий менежмент<br>Бошқарув ҳисоби – 2<br>Молия ҳисоби - 2 |

* Рўйхатдан ўтказиш имтиҳон сессияси бошланишидан **30 кун** аввал тўхтатилади.



УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ
www.restoran.uz



# 2 : 0

ЦЕНТ ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАРНИНГ БИР ДАҚИҚАСИ

АБОНЕНТ ТЎЛОВИ

# ЧЕМПИОН

ТАРИФ РЕЖАСИ

Нархлар ҚҚС билан бирга кўрсатилган.
Тўлов ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.
Батафсил маълумотлар сотиш жойларида ва www.coscom.uz сайтида
Хизматлар лицензияланган
(ЎзААА томонидан берилган АА 0001818-сон)
ISO 9001:2000

COSCOM

# МЕТАЛЛОПРОКАТ

| | | | |
|---|---|---|---|
| ЛИСТ | ХОЛОДНОКАТАНЫЙ | от 0,5 до 0,8 мм | ст. 08КП |
| | ГОРЯЧЕКАТАНЫЙ | от 2 до 25 мм | ст. 3сп5, 40Х, 65Г |
| | НЕРЖАВЕЮЩИЙ | от 1 до 6 мм | 12Х17, 12Х18Н10Т |
| КРУГ | | от 16 до 130 мм | 12Х18Н10Т |
| | ЖАРОПРОЧНЫЙ | от 30 до 250 мм | 20-30Х13, 23Х18Н10 |
| | КОНСТРУКЦИОННЫЙ | от 13 до 260 мм | ст. 3, 10-45, 20Х-40Х |

Тел.: 255-76-74, 281-35-61. Факс 254-94-95

ТОМ ЁПИШ ва ГИДРОИЗОЛЯЦИОН материал,

**ПОЛИИЗОЛ**

(зарқоғозли, турли ранглар сепилган, икки томонлама плёнка билан қопланган)

Ишлаб чиқарувчидан ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА

**ТОМ ЁПИШ ВА ГИДРОИЗОЛЯЦИОН ИШЛАРНИ** бажарамиз

Тел.:255-74-09, 255-64-53, 449-28-53. E-mail: adrant@ars-inform.uz

Товар сертификатланган

товар сертификатланган

**O'ZKABEL**

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КАБЕЛЬ-ЎТКАЗГИЧ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД

КЕНГ АССОРТИМЕНТ
100% лик СИФАТ КАФОЛАТИ

"Ўзкабель" ОАЖ ҚК. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100041, Ф.Хўжаев кўч., 2
Тел./факс: (+99871) 262 02 86, 262 13 33
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

**Rutrans & Partners**

Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Тел.: (+99871) 250-7951, 250-2086, (+99890) 325-6043

www.rutransenpartners.com e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru

*Ишчи ва махсус кийим*

*Ишчи ва махсус пойабзал*

*Ёнғинга қарши ускуналар*

*Махсус кийим аксессуарлари*

*Шланглар ва бутловчи қисмлар*

Товар сертификатланган

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

**АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ**

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

TÜV CERT EN ISO 9001

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ**

Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўптармоқли),150-55-66, 169-0079 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz


## ЭЪЛОНЛАР

### КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Кўчатхона пул ўтказиш йўли билан манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар - қарағайлар, арчалар, қора арча, туя дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, ҳинд сирени, Сурия атиргулини сотади.

Офис ва қишки боғ учун пальмалар: хурмо, трахикарпус, вашингтония.

Мева берувчи апельсин, мандарин, лимон дарахтлари.

Кўкаламзорлаштириш, ландшафт дизайни.

100187, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Қурбонов кўч., 91.

Автобуслар 16, 89, "Автойўлмехбаза" бекати.

Мўлжал – мачит.

Тел. 266-88-68. Уяли тел.: 317-33-45, 387-16-57.

### КЎЧМАС МУЛК

Буюк ипак йўли кўчасида ғиштли уйдаги ўз квартирам 2/3/4 ни тез сотаман. Мўлжал – "Саёҳат" меҳмонхонаси – 32000 ш.б.

Тел. 254-84-02. Соат 17.00 дан 21.00 гача қўнғироқ қилинг.

---

Қуйидагилар ижарага берилади:

- умумий майдони 530 кв.м. бўлган, Тошкент ш., Миробод тумани, Афросиёб кўч., 2-уйдаги "Бизнес-марказ" биносининг 1-қаватидаги савдо майдони ва омборхона;
- Чирчиқ шаҳридаги 500 тонна сиғимли совутгичлар.

Тел.: 152-11-34, 152-11-75.

---

Офис учун хоналар ижарага берилади.
Тел.: 291-77-25, 291-26-04.

### ХИЗМАТЛАР

"UMKA" МЧЖ молиявий таҳлил ўтказади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш. Евростандартлар.
Тел.: 319-62-37, 262-62-37 (кечқурун).

---

ЛОЙИҲАЛАР. СМЕТАЛАР. ДИЗАЙН.
Тел.: 233-95-25, 186-46-43.

---

Тел. 2-33-2-33-2. Қўнғироқ қилинг – сейфингизни очиб бераман. Хачиев.

---

Консалтинг фирмаси бухгалтерия хизматлари кўрсатади: юритиш, тиклаш, кузатув. Текширувга тайёргарлик. Малакали. Тезкор.
Тел.: 319-62-37, 262-62-37 (кечқурун).

---

"UMKA" МЧЖ йиллик ҳисоботни сифатли тайёрлайди. Маслаҳатлар.
Тел.: 319-62-37, 262-62-37 (кечқурун).

### ЎҚИТИШ

Солиқ клуби (ойига 2 та семинар).
Тел.: 319-62-37, 262-62-37 (кечқурун).*

### СОТИЛАДИ

Фойдали майдони 180,2 кв.м. бўлган, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони, Навоий кўчасидаги савдо дўкони.
Тел.: 152-11-34, 152-11-75.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.*
Тел. 448-74-69.

---

"LEGAL ASSIST" АБ. Хўжалик, фуқаролик, маъмурий ишлар. Судларда ҳимоялаш. Юридик хизмат кўрсатиш. Рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш. Юридик шахс фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тафтиш қилиш ҳамда юридик хулосалар ва тавсиялар бериш.*
Тел.: 235-84-13, 103-50-15.

---

Хўжалик низолари бўйича адвокат. МЧЖ, ХКни рўйхатдан ўтказиш*.
Тел. 402-37-50.

---

ЎзР хўжалик судларидаги низолар. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел.: 383-13-12, 383-55-59.

---

"ADVOKAT-ELITE". Корхоналар, ваколатхоналар, доимий муассасаларни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

---

Компаниялар ва хорижий ваколатхоналарга тўлиқ юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел. 142-82-25.

---

Full legal advising of companies and representative offices.* Tel. 142-82-25.

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик ташкилоти САР сертификатига эга аудиторларни таклиф этади.
Тел.: 235-20-04, 300-73-80, 302-73-80.

### ТАРЖИМАЛАР

Мақола, ҳужжатларни рус тилидан ўзбекчага ва ўзбекчадан русчага таржима қиламиз.
Тел. 715-17-19.

### БУХГАЛТЕРИЯ

Ихтисослаштирилган фирма мақбул нархларда қуйидаги бухгалтерия хизматларини кўрсатади: бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиклаш, кузатув, ҳисоботлар тузиш, корхоналарни тугатиш. Малакали, тезкор ва сифатли.
Тўлов исталган шаклда.
Тел. 268-42-11.

**Хизматлар лицензияланган.*

**Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.**



